

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Оила ва жамият



САБР БИЛАН ЕТАДИК БУ БАХТГА

Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Раззоқовнинг хонадонига бизни домланинг синглиси Муҳаббат опа бошлаб борди.

- Домлангиз фақат илмга яралган, ҳозир ишдан келиб қоладилар, - деди илиқ чехра билан бизни кутиб олган хонадон бекаси Хайитгул опа.

- Профессорнинг аёли бўлиш қийинмикин? - дедим ҳазил аралаш.

- Домла ўз касбини ҳаётдан ҳам устун қўйганларига ҳайрон қоламан-да. Яқинда юрак хасталигининг оғир кўринишини бошдан кечирдилар. Тўғриси, жуда кўрқдим. Домла эса, "Касал бўлганимни ҳеч кимга билдирманглар. Кўргани келиб вақтимни олишади, китобимни ёзишга улгурмай қоламан", - десалар йиглаб юборибман. Касалхонада ҳам қоғоз-қаламини ташлагани йўқ.

Бу орада хонага салобатли, ниҳоятда нузли чехрали домланинг ўзлари кириб келдилар.

- Домла келинг, оилавий турмушингиз ҳақида суҳбатлашсак, - дедим мен.

- Оиламиз мен, турмуш ўртоғим, 4 ўғил, 1 қиз, 4 келин ва бир этак набиралардан иборат. Биринчи ўғлимиз Бобур физик, иккинчиси Нодир - юрист-иктисодчи, учинчиси Оламгир - дипломат, тўртинчиси - Хондамир ҳам иқтисодчи. Қизимиз Наргиз - фалсафа фанлари номзооди. Келинлар ҳам зиёли. Уқимаганини ҳам ўқитганмиз.

- Домла, иқтисодий тарихга оид анчагина китобларингиз чоп этилган, кўпгина чет эл конференцияларида маърузалар қилгансиз. Марказий Осиёни ўрганиш бўйича Европа жамияти аъзоси ҳам экансиз. Шунингдек, мана узоқ йиллардан бери Тошкент Давлат Иқтисодийёт университетида ёшларга сабоқ берасиз,



аспирантларга раҳбарлик қиласиз. Булар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун тушунган, елкадош жуфт керак назаримда.

- Тўғри. Ахир рафиқам Хайитгулхон ҳам мактаб алочиларидан эди, бир умр врач, бош врач бўлиб ишлади. Шифокорлик ҳам осон эмас.

- Сизлар мактаб даврларидан бўён танишмисизлар?

- Ҳа, биз синфдошмиз. 8-синфда ахду паймон қилганмиз. Лекин иккаламиз ҳам олий маълумотли бўлишни орзу қилганимиз учун бир-биримизни кутишга суз берганмиз. Иккаламиз ҳам олий маълумотли бўлгач, оила кўрдик. Аёлим кишлоқда врач бўлиб ишлади. Мен эса пойтахтда илмий иш қилдим. Бирин-кетин

фарзандлар туғилди. Эй, бу кунларга етишнинг ўзи бўлгани йўқ.

- Хайитгул опа, эрингиз шаҳарда, сиз кишлоқда болалар билан қийналмаганмисиз?

- Келинг, шу саволингизга мен жавоб берай, - дейди Абдухалил аканинг синглиси Муҳаббат опа. - Кеннойим ўнта фарзандли оиланинг тўнғичига тушган. Энди шундай катта рўзгорнинг хизматини тасаввур қилаверинг. Бундан ташқари далада ишлардилар. Ота-онам кеннойимни "қизим", дейишарди. Кеннойимизга ҳавас қилганимиз учун биз қайсингиллар ҳам ўқиганмиз.

- Келинг қизим, мен сизга болалигим, ёшлигимни айтиб берай, - деди домла. - Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида туғилганман. Отам деҳқончиликнинг пири, биринчи механизатор эди. Умри далада ўтса-да, ўнта боланинг қорни тўймасди. Биринчи ўқишга келганимда отамнинг костюмини кийиб келганман. Пахта териб пул ишлардим-да, китоб, уст-бosh олардим.

- Ҳалол ишлардик, - дея гапга аралашади Хайитгул опа. Мен шу катта рўзгорнинг ишини қилаяпман, эрим шаҳарда юрибди, деб ўйламабман ҳам. Бир куни кўшни аёл: "Сенга қийин-а, кўпчиликнинг хизматини қилсан, кўлларинг ёрилиб кетибди", деганда, атрофдагилар шуларга аҳамият бераркан-да, деб ўйланганман.

- Домла, фарзандларингизнинг барчаси яхши касб эгалари экан.

Уларнинг ўқишга кириши ё иш топишида ёрдамингиз бўлганми?

- Фарзандларимиз орзу-ниятларига ўз меҳнату интилишлари билан эришмоқда. Оламгир 4 ёшида харитадан давлатларни кўрсата оларди. Айни билимга чанқоқ пайтида мен уни чет тилини ўрганишга йўналтирдим. Вашингтондаги машҳур университетга ўзи ҳаракат қилиб ўқишга кирди, бир неча элчихоналарда ишлади. У ҳеч қачон изланиш ва интилишдан қарчмайди. БМТ ишга ҳам ўз ҳаракатлари билан қабул қилинган.

- Абдухалил ака, устоз ўқитувчи сифатида бугунги ёшларга баҳо берсангиз.

- Мени университетда энг талабчан, қаттиққўл домла, дейишади. Қанақа шароитда ўқиганимни айтиб бердим. (Давоми 2-бетда)

МУКОФОТГА МУНОСИБ ҚИЗЛАР



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган 98 нафар қизлар ўртасида "Истиклол тимсоллари" мавзусида танлов эълон қилган эди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбе-

кистон Республикаси Бадий Академияси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда ҳамкорлар ва жалб этилган экспертлар томонидан мукофот соҳибалари тақдим этган ижодий ишлар жойларда ўтказилган мушоиралар, учрашувлар давомида ўрганилиб борилди.

28 ноябрь куни Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида "Истиклол тимсоллари" танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Иштирокчи қизлар шу куни пойтахтимизнинг

бош майдонидаги "Мустақиллик ва эзгулик монументи" пойга гуллар кўйиш билан тадбирни бошладилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор С. Иномова нутқ сўзлар экан, Зулфия мукофоти ҳукуматимиз томонидан ёшларга ва уларнинг келажагига кўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрлик эканлигини, Зулфия қизлари ҳар доим мана шундай улкан мукофотга муносиб бўлишлари, келгуси номзодлар улардан ўрнак олиши кераклигини таъкидлади.

Зулфия мукофоти соҳибаларининг мукофотга сазовор бўлганидан кейин амалга оширилган ишлари ижобий баҳоланса-да, уларнинг катта қисми фаол эмаслиги комиссия аъзолари



томонидан эътироф этилди. Кўмита бундан кейин уларнинг фаолиятини яна чуқурроқ таҳлил қилиши ва ўрганиши, тарғиб этиши лозимлиги таъкидланди.

Танлов моҳиятига кўра, Адабиёт йўналиши бўйича 1-ўрин Гулжамола Аскарвовага,

Фан ва Таълим йўналиши бўйича Дилором Бердиевага, Таълим йўналиши бўйича Муҳаббат Темировага, Маданият йўналиши бўйича Камола Эрматовага, Санъат йўналиши бўйича Дилдора Аvezовага насиб этди.

"Энг яхши бастакорлик асар намунаси", "Энг серқирра ижодкор", "Энг оригинал ижодий иш" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди.

Тадбирга тақдир этилган ҳар бир Зулфия мукофоти совриндорига Ўзбекистон Хотин-қизлар

кўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан эсдалик совгалари топширилди.

"Зулфия мукофоти моҳиятини аъло даражада ёритган матбуот ва оммавий ахборот воситаси" номинацияси бўйича "Соғлом авлод" газетаси, "Машъал" радиоканали ва "Ассалом, Ўзбекистон" дастури жамоасига ҳам қимматбахш совғалар берилди.

Ўтказилган ишлар танловида юртимизнинг 8 нафар билимдон, зукко ва доно ўқувчи қизлари ғолиб деб топилдилар. Ушбу ишлар танловининг ғолибларига ҳам Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва Халқ таълими вазирлигининг совгалари топширилди. "Халқлар дўстлиги" саройида Зулфия мукофоти совриндорларининг ижодий ишлари кўргазмаси ва улар ижросидаги катта концерт дастури билан яқунланди.

“ОИЛА ДОРИЛФУНУНИ” МУАЛЛИМИ



Фаллаорол туман Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими (ФХД) мудираси Гавҳар опа Мўминова билан суҳбатимиз қайнона-келин муносабатларидан бошланди.

Мен 30 йилдан бери ҳуқуқ тартибот идораларида ишлаб келаяман. 1999 йилдан буён эса меҳнат фаолиятим бевосита ФХД бўлими билан боғлиқ. Мен ҳар доим қайнона-келин муносабатларида асосий айбдор қайноналар бўлишди, улар ёш келини тушунмасликлари, чиқширтмасликлари оқибатида оила-ларда жанжал келиб чиқади, деб уйлардим. Фуқаролар мана шундай масалалар билан мурожаат этишганда уларнинг ечимига ҳам ўз қарашимдан келиб чиқиб ёндашардим. Аммо ўзим қиз чиқарган, айниқса катта ўғлимни уйлантириб, қуда-андалик, қайнона бўлгач, қарс икки қўлдан чиқинни, оилавий можароларда келин ҳам қайнона билан баб-баравар айбдор бўлишни англаб етдим. Худого шукр, қизим ҳам оиласи билан тинч-тотув, келиним ҳам оқила. Фақат уларнинг рўзгор тутуми, оиладагилар билан муомала-ю муносабати айрим хулосалар чиқаришимга туртки берди. Мана шундай ҳаётий кузатмаларим боис туман ФХД бўлими қошида

“Оила дорилфунуни”ни ташкил этдик.

Опанинг сўзларига қўшимча тарзда шунга айтиш мумкинки, дорилфунунга шифокорлар, ҳуқуқшунослар, психологлар, маънавият ходимлари жалб этилган. Унинг машғулоти ойна ойига икки марта ўтказилади. Турмуш қуришга аҳд қилган йигит-қизлар, ёш келин-куёвлар, қайнона-қайноталар иштирокида ўтадиган машғулотларда оила психологияси, тиббий маданият, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларининг миллий ўзига хосликлари, бу борадаги ҳуқуқий асослар ҳақида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб берилади. Туман марказидан оиласидаги қишлоқ фуқаролар йиғинларида эса дорилфунуннинг машғулоти кўчма тарзда ўтказилиши йўлга қўйилган. Мана шу ишларнинг самараси бўлса керак, яқунлаётган йилнинг 10 ойида Фаллаоролда 801 та никоҳ қайд этилди, ажралишлар эса умуман кузатилмади. Оилавий можаролар боис мурожаат этаётганлар сони ҳам камайиб бораётди.

Туманда ташкил этилган “Яраштириш комиссияси”нинг аъзоси сифатида ҳам турли оилаларда бўлиб тураман, - дея сўзини давом эттиради Гавҳар опа. - Яқинда бир оиланинг муаммосини ўрганишга тўғри келди. Келин фарзандлик бўлгач, орадан олти ой ўтиб ишга чиқиб кетмоқчи бўлади. Қайнона эса бунга қарши чиқади. Шу баҳона оиладан жанжал аримай қолибди. Сўхбатимиздан маълум бўлдики, қайнона келинини институтнинг учинчи курсини битирганда туширган. Ўқиниши тугатиши учун имконият яратиб берган, кейин ишлашига ҳам тўққинлик қилмаган. Энди эса қайнона бола ичкикиб қолшидан, вақтида эмизилмаса, сунъ-

ий озуқа берилса, касалманд бўлиб ўсишдан хавотирга тушаётган экан. “Телевизорда ҳам болани икки ёшгача эмизши керак, дейишяпти-ку. Бунинг устига ҳозир келинимнинг ишлашига зарурат йўқ, ўғлимнинг топиш-тутиши яхши. Мен умуман ишламасин, демаямман-ку, неварам каттароқ бўлгач яна ишлайверади”, деди у. Келин билан, сўнг унинг туққан онаси билан жиддий ва бафуржа суҳбатлашишга тўғри келди. Ҳартугул келин вазиятни тўғри баҳолаб, аслида унинг ва неварасининг соғлиги учун қайғураётган қайнонасида кечирини сўради.

Гавҳар Мўминова икки ўғил ва бир қизинг онаси. Ўзгаларга оила тинчлиги ва мустақамлигидан йўл-йўриқ, маслаҳат берадиган одамнинг, аввало, ўз оиласи тинч бўлиши керак. Бу борада Гавҳар опанинг омади чопаган. Юқорида ўзи таъкидлаганидек, кизи Фаридахон турмушга чиққан, оиласи билан тотув яшашаяпти. Бирор марта қизининг орқасидан кудалари ёки қўви шикоят қилиб гапирмаган, уни нуқул алқашади. Катта ўғли Акбаржон ички ишлар ходими, келини эса талаба. Опа келинининг ўқиши ула-рўзгор ишларига, аксинча уй юмушлари ўқишига халақит бермаслиги учун ҳаракат қилади, унга ёрдам беради. Кичик ўғли Акмалжон лицей ўқувчиси.

Нафақат ўз оиласи, балки Фаллаоролдаги барча оилаларнинг аҳли, бахти бекам бўлишини истайдиган, шу мақсадда меҳнат қилиб келаётган Гавҳар опа Мўминовани “оила дорилфунунининг муаллими”, деб атагимиз келди.

Дармон ИБРОҲИМОВ, Жиззах вилояти.



Шахрисабз шаҳар “Нуроний” жамғармаси қошидаги хотин-қизлар уюшмаси аъзоси Зоя Ҳалимованинг “қўли энгил шифокор” деб ном олганлиги бежиз эмас. У 1963 йил Тошкент



ГУЛДАСТАЛАР ОҒУШИДА...

Давлат Тиббиёт институти тугатиб, Шахрисабзга келгач, поликлиникада “Кулоқ, томоқ, бурун” касалликлари хонасини ташкил қилди. У шаҳарда биринчи отоларинголог бўлди. Бу касаллик ниҳоятда кенг тарқалгани учун шифокорнинг қабулига келганларнинг охири кўринмасди. Жаррохлик йўли билан даволанадиган беморларни эса вилоят марказига ёки Самарқандга жўнатишга тўғри келарди. Зоя опа бунинг ҳам чорасини топди. 1973 йил шаҳар шифохонасида 35 ўринли “Кулоқ, томоқ, бурун” хасталикларни даволаш бўлими очилди. Уни Зоя Ҳалимова бошқара бошлади. Энди энг оғир жаррохлик ишлари ҳам шу ерда амалга ошадиган бўлди.

Ҳар гал “Бизга фақат Зоя Азизовна керак”, дея йўқлаб юрган беморлар ҳақида эшитса, ўзида ишга нисбатан янада масъулият сезар, кўпроқ ўқишга, замонавий тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишга ҳаракат қиларди. Унинг ютуқлари вилоят, республика тиббиёт анжуманларида тўғли олинди, оммалаштирилди, у “Олий тоифали шифокор” унвонини олди. Зоя Ҳалимовадаги ташаббускорликни, ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб, раҳбарият уни шифохона бош врач этиб тайинлади.

Зоя опа қишлоқларга чиқиб, аҳолини тиббий қўриқдан ўтказишга ҳам вақт топарди. Уларнинг саломатлиги йўлида хизмат қиладиган барча шароитни

ярташиб беришлари учун мутахассис ташкилотларини тинч қўймасди. Шунингдек, вилоят кенгаши депутати, Республика “Қизил ярим ой жамияти” Пленуми аъзоси сифатида ҳам доим янги-янги ишларни “бошлаб” юрарди.

1990 йил Зоя Ҳалимова “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” унвонига муносиб кўрилди.

Бу кун Зоя опа шифокорлар устози, “Нуроний” жамғармаси аъзоси, меҳнат фахрийси сифатида элда эъзоз топган. Ҳануз шаҳар хотин-қизлар кўмитаси фаоллари сафида маҳаллаларга чиқиб, аёлларнинг, қизларнинг саломатлиги ҳақида қўничи гапирарди. “Фарзандларимнинг фароғатли кунларига етай деган инсон, бугундан ҳаракатини қилмоғи керак”, - дейди опа.

Зоя опанинг турмуш ўртоғи Эркин ака ва қизи ҳам шифокор. 2 ўғли турли соҳаларда хизмат қилиб, элнинг ишончини оқлашапти. Опа 7 нафар набирасини ёнига олиб, соғлом бўлиш ҳақидаги ҳикояларини айтишдан чарчамайди. Шогирдларининг эса устози эцигидан оёғи узилмайди.

С. ФАХРИДИНОВА.

ГИМНАСТРАДА ФЕСТИВАЛИ

1949 йилда Халаро гимнастика федерацияси Бош ассамблеяси тўрт йилда бир марта “Халқаро гимнастика фестивали”ни ўтказиб туриш тўғрисида қарор қабул қилди. Гимнастрада, уни яна “Бош гимнастика” деб ҳам аташди, тарихи ана шундай бошланади.

Республикамизда гимнастрада ни оммалаштиришда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси асосий ташаббускор ҳисобланади. Илк мартаба мазкур спорт тури Қарши шаҳрида бўлиб ўтган II хотин-қизлар спартакиадасида намойиш этилди. Шунингдек, мамлакатимиз вакиллари Германия, Таиланд ва Японияда бўлиб ўтган халқаро семинар ва миллий фестивалларда фаол иштирок этишди.

25-27 ноябр кунлари Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида биринчи республика гимнастрада фестивали бўлиб ўтди. Тадбир “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги ва 1 декабр - “ОИТ”га қарши кураш кўни”га бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Гимнастика Федерацияси унинг

ташкilotчилари бўлишди. Ушбу фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф бурган 250 нафар иштирокчидан иборат жамоалар ғолиблик учун беллашишди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Светлана Иномова мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, Ўзбекистон гимнастрада терма жамоаси Гер-

мания, Таиланд, Япония давлатларида ўтган Халқаро

танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётганликлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Уч кун давом этган мусобақада “Энг яхши мусиқий композиция учун” йўналишида Сурхондарё вилоятининг “Шўрчи” жамоаси, “Энг яхши ижроси учун” Наманган вилояти, “Энг яхши костюмлар учун” Хоразм вилояти, “Энг фаол иштирокчи учун” Жиззах вилояти жамоалари ғолибликни қўлга киритдилар.

Ғолибларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг қўлдан баҳо совғалари топширилди.

А. УМИРОВА.

САБР БИЛАН ЕТДИК БУ БАХТГА

Яхши кийинмасак-да, бормаган кутубхонам қолмаган. Шу ўринда устозларим - амаким тарих фанлари доктори Абдумалик Раззоқов, академик Абдулахад Мухаммаджонов, Яхё Фуломовларни тилга олиб ўтишни истардим. Улар шогирдга нисбатан ниҳоятда талабчан устозлар эди. Баъзан шогирд аспирантларнинг илмий ишларини қайтарсам, хафа бўлишарди. Мен уларга, яхши мутахассис бўлишингизни истайман, дейман. Баъзи талаба қизларнинг ахлоқ-одобидан таъзим хира бўлганда: “Қизларим, биз кимларнинг авлоди, қайси миллатдан эканлигини унутманг. Ахир эртага бир оилага келин, бека бўлишингиз бор”, дейман. Билмиш, ҳаракатчан ёшларни кўрсам хурсанд бўламан, бахולי қудрат ёрдам бераман.

Гап ўз-ўзидан бола тарбиясига келиб тақалди. Бу борадаги фикрларингизни билсак.

Ҳайитгул опа:
- Домла ҳамиша фарзандларимизни китоб ўқишга, илмга ундаганлар. Бирортасини бўш ўтиргани қўймасдилар. Бўш вақт топдимни, далага олиб бо-

риб ишлартирдилар. Рост гапирини талаб қилардилар. Елғон гапни кечирмасдилар. Ҳозир ҳам невараларимизга эътиборлари худди шундай.

Абдуҳалил ака:
- Ҳозирги ёшлар ҳамма нарсага тез ва осон эришишни исташади. Лекин билимли ёшларимиз ҳам бор. Шу ўринда бир гапни айтиб ўтишни хоҳлардим. Юрт равнақи, миллат учун фидойий олимларимизни қувватлашимиз зарур. Мана ҳозир ҳомийлар, тадбиркорлар ҳақида кўп гапирляпти. Ҳомийларимиз 1000 кг. гуруч дамлаб ош тарқатишга эмас, ишлаб чиқаришга, илмни ривожлантиришга ҳисса қўшсалар, сўз бўларди. Илмий ишини тарғиб қилолмай, ёзган китобини сотолмай юрган олимларимиз бор. Уларга ҳомийлик қилинса юртга фойдаси тегади. Энг ривожланган Англия, Германия каби давлатларда ана шундай йўл тутилади. Ўтмишда бизда ҳам шундай бўлган. Мана яқинда 1000 йиллик юбилейни нишонланган Хоразм Маъмур академиясини олинг. Бу ерда илм аҳлига ҳомийлик қилинган.

Бир-бирингиздаги қайси фазилатларни улуглайсиз? Абдуҳалил ака:

- Ҳайитгулга уйланишдан олдин: “Биз ўнта болали оиламиз, етишмовчиликлар кўп. Сен шу катта рўзгорга келин бўлишни ўйла, сабринг етadими?” - деганман. Кейин мана шу ҳовлимизнинг ерини сотиб олдик. Маошимизни тийинма-тийин йиғиб уй қурдик. Аёлим илм йўлидаги машаққатли меҳнатимда, бола-лар тарбиясида сабр билан елкадаш бўлганини улуглайман.

Ҳайитгул опа негaдир кўзига ёш олди, гапирмоққа чоғланди яна йилгади. Кейин:
- Мен ўғилларимнинг ҳар бирининг тўйи кунда уларга шундай насихат қилганман: “Мен турмушимизнинг барча қийинчиликларига чидаганман. Бунга фақат бир нарса куч берган-даданингизнинг менга сadoқати, ҳалоллиги. Топганини рўзгорга сарфлади. Адангининг шу фазилатини сенда ҳам кўришни истайман. Агар оиланг мустаҳкам бўлишини истасанг, ҳеч қачон хотинингга хиёнат қилма...”

Бу нури инсонлар билан суҳбатимиз шу тарзда ақун топди. Қаҳрамонларимнинг мустаҳкам оила кўргони, юртинг фахри бўлиб яшаётган фарзандларига ҳавас қилдим.

Матлуба ШУКУРОВА.

ЧИКҚАН КИЗ ТОШАК ҚОТСИН

Эрдан чикқан аёл эри вафот этган аёлдан фарқ қилади. У ҳеч кимга ёқмаганидек, ҳеч қаерга, ҳеч кимникига сизмайди. Бунинг устига, бир-иккита боласи бўлса-чи? Ота-она қизим, набираларим дейди, фарзандим, жигарбандларим дейди, қабул қилади. Бошқа чораси йўқ, уларнинг. Аммо "чикқан киз чийрикдан ташқари" эди. Қизини не-не ҳасратда, не-не орзу-умидада узатган эди. Хаммаси барбод бўлди. Барча ниятлари, қилган умидлари, кўрган қувонч-шодликлари лолақизгал-доқдек тўкилиб тушди. Қизимни бахтли кўрарми-канман, деган орзулари ергами, кўкками, кўнглигами - қаергадир кўмилди. Энди нима қилиш керак? Буюёда номус деган, андиша деган гаплар бор. Ҳар куни қизининг кўзига, набираларининг ранг-рўйига қарашнинг, шунга қараб муомала қилишининг ўзи бўладими? «Сендек кувёга, сенлардек қудаларга қизимни ҳам, набираларимни ҳам ташлаб қўймайман! Буларнинг тирноғига зор бўлларинг», дейди, койинади, сўкинади, ўзини-ўзи овулган бўлади. Бирок дилдаги ғам-ташвиш, юракдаги аччиқ-армон ўчмайди ҳам, пайсмайди ҳам. Кўксидеги изтироб мияни эгловлагани-эговлаган. Ўзидан ўтганини, ўзи билади. Нима қилиш керак?

Эр кўрган аёлнинг кўча-кўйда юриш-туриши-чи? Хамма қарайди. Ҳар хил хаёлга боради. Биров ачинаиб, бошқаси "енгил тортиб" қарайди. Биттаси "кўз олайтириб" қараса, иккинчиси "феёлига яраша иш бўпти" деб қарайди. Нима қилиш керак? Бирдан-бир чораси бошқа эр топиш керак. Бошқа мўминрок, бўшроқ, у боп эр излаш керак. Зора, кейингиси билан тиниб-тинчиб кетса! Тўғри, кейинги эр ҳеч қачон олдингисидан афзал бўлмайди. Буни қизи ҳам, ота-она ҳам ўйлайди. Кеча-кундуз ўйлайди. Туни билан эр-хотин фақат шу ҳақда ўйлайди, ухламай чиқади. Шу қизнинг дунёга келиш арафаларидаги ва дунёга келганидан кейинги ширин, лаззатли, шодон тунлари қани, энди! Йўқ. Йўқ бўлса ҳам майли, нима бўлса ҳам майли! Қизига янги эр топилса бўлгани. Одамларга дарак солади. Яқинларидан "сўраб-суриштириш"ни ихтиёр қилади. Аммо улар ўйлаган эр қаерда? Буюртма бериб бўлмаса...

Бунинг устига, эр кўрган ёшгина жувон қачонгача жим, сипо бўлиб юради. Бир ой, бир йил, бир неча йил... Ахири ёшлик ўз ишини қилади. Боши очик аёлнинг ўзини-ўзи жиловлаб юриши осон иш эмас. У ҳисси, ишқисиз тош эмас-ку! Бир куни бўлмаса, бир куни қандайдир ўйлар билан ўзини-ўзи оқлаб, ёқлаб биттаси билан учрашади... Бундай йўлга юраётганлар қамми? Очик-сочик замон бўлса, ҳар кимнинг эрки ўз кўлида бўлса...

Ота-она худди шунга ўйлаб, оқлаб бошлаган сочи оқариб бўлади. Қизининг аллақим билан учрашиб юрганидан воқиф бўлган эса бутунлай адоий тамом бўлади. Онаси ўзидан ўтганини ўзи билиб, хаммасини ичига ютиб, эзилгандан-эзилиб юради. Ота-чи? Ота инсондан бош эгиб юраккан, хотинига ёпишади. «Нега тергамайсан, нимага оғоҳ бўлмайсан, қизингни ўз ҳолига ташлаб қўйибсан, мен кўчада қандай қилиб бош кўтариб юраман?» дейди, дагдага қилади. Хотин эса қизига гапирди, насихат қилади, йиғлайди, аммо сўзини ўтказма олмайди. Қизда пайдо бўлган янги ҳис-туйғу, ўй-хаёл, дунёқараш уни ўзгартириб юборган бўлади. Энди уни тийиб оладиган номус ҳам, ор ҳам, бошқа куч-қудрат ҳам топилмайди. Нима қилиш керак?

Бора-бора ўзи катта бўлган, ўзи ўсиб-улғайган, ўйнаб-қулиб, қувончларга тўлиб турмушга чиққан киз шу уйга, чинакамига сизмай қолади. Бошида сизмагани ҳолва бўлиб қолади. Фарзандлари бўлса, албатта, улар ҳам сизмайди? Сизса, тоқайгача? Бундан кўра эри билан ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзларга, аччиқ-аразларга, сан-манларга ўт кетса бўлмасиди? Энди нима қилиш керак?

Ота-она бой-бадавлат бўлса, қизига уй-жой олиб бериб чиқариб юборар. Ночор одамлар бўлса-чи, урди худди! Ташвиш ортгандан ортиб бораверади. Нима қилиш керак? Хўш, ота-она қизига, набираларига уй олиб берди ҳам дейлик. Нима, шу билан улар ташвиш-надоматлардан қутилади? Қутилмайди. Энди хавотирланиш, кўрқиниш уларнинг ич-этини ейди. Демак, бу ҳам уларнинг бўйнидаги оғир тошини енгиллаштирмайди. Чораси, сўнгиги чораси битта: қандай бўлмасин, юқорида айтганимиздек, бирофта, сал бўлса-да, мос келадиган, болам-чакам, деб яшаб кетадиган мўмин-мусулмон эркак топиш керак. Узга чора йўқ...

Яқинда бир ҳамсоямнинг қизи онасига қилаётган муомаласини кўриб, ёқа ушладим. 25-26 ёшли жувон онасига ўшқирарди.

Она бечора бўлса:
- Болам, яна нима қилай сен учун? Кўни-кўшни, қуда-анда олдида юзимни шувут қилаясан. Эл хизматида юрган бўлсам, раҳбар одам бўлсам... Битта қизини эпллолмаган одам болаларга нимани ўргатади, деб ўйлашмайдимми? - деди.
- Сиз ҳам ўғайдек гапирасиз? Дадам ўғай, сингилларим ўғай, ҳамманглар ўғайсизлар! Туринг, уйимдан чиқиб кетинг!

- Болам, уч ёшлигингда дадан оламдан ўтди. Бу дадангни ўғай дейсан, ўз қизидай тарбиялаб, во-яга етказди. Институтга киргизиб қўйдик. 2-курсдан

нега келганига ишонмайсиз. Яратган эгам ўғилдир-қиздир фарзандларга инсоф берсин-да. Фарзандлар камолани кўриш насиб айласин, деган пурмаёно сўзларда нақадар буюқ хикмат борлигини яна бир бор англаб етдим.

Жаннатхон исмли муаллима аёлни танийман. Муомаласи, маданияти, қайнона-қайнотага қилган ширинсуханлиги, фарзандларига бераётган тарбияси таҳсинга лойиқ эди. Ўғил-қизлари ҳавас қилса арзигулик бўлиб воёга етдилар. Аммо ажалга даво йўқ экан. Опанинг Акмал исмли ўғли 18 ёшда тўсатдан оламдан ўтди. Аммо опанинг овоз чиқариб йиғлаганини кўрмадим. "Боламга озор бўлармиш. У дунёда азобга қолмасин", - дея кўз ёшларини ичга ютди. Ўғлини соғиниб ёзган хотирасини ўқиб, кўз ёшла-

таъмирламит. Мана машина олиб бердинг уканга, энди сингилгини узатамиз", - деса, ўғли Жавлонбек: "Онажон, бу менинг эмас, сизнинг пулларингиз, хоҳлаганингиздай сарфланг. Ўқиб, олий маълумотли бўлишимга шароит яратиб берган сиз ва даданнинг пуллари", - деб жавоб берибди. Шукрона айтишга арзийди. "Боламга кўз тегмасин, чет элда ишлаб катта пул топиб келибди, деб одамлар озғига тушиб кетди. Ёмон кўздан асрасин", - дея исирик тутатганининг гувоҳи бўлдим. Она барибир оналигича қолар экан.

Халима опанинг 22-24 ёшли қизи бор, бахтсиз ҳодиса туфайли юролмайдми, ногирон. Халима она шу қизини кўтариб, катта қилди. Ногиронлар аравачасида кўчага олиб чиқиб айлантиради, оқ ювиб, оқ тараб, қизининг кўнглига қарайди. Бола катта бўлса ҳам, кичик бўлса ҳам, соғу касал бўлса ҳам барибир меҳридарё она парвона бўлар экан. Ўзини эмас, боласини авайлар экан. Бунчалар меҳрини, фидойиликни, сабрни қаердан олар экан, онаизор?!

18-19 ёшдамит, дугонанинг тўйидан сал кеч қайтдик. Дугоналарим билан келаяпмит. Онам дарвоза олдида кутиб турибди.

- Қизим, бир ооатда келаман, дегандинг, тўйни тугатиб келаяпсизларми, дейман. Хавотир олиб, остонада пойлаб ўтирибман, - деди онам.

- Аяжон-ей, тўй маҳалламининг бошида-ку. Ишдан чарчаб келган бўлсангиз, уйда дам олиб ётсангиз ҳам бўлмайдимми? Ёш бола бўлмасан, алданиб қоладиган, - деганларим ёдимда.

Орадан йиллар ўтди, ўғлим 2,5 ёш пайти, сўрида аяжоним билан гаплашиб, кўрпа-тўшак қавийтгандик. Ўғилчам бир

ОНАЛАРНИ

ташлаб юбординг. Турмушга узатдик, ажралиб келдинг. Бу йигитга турмушга чиқдинг, ўғлингнинг бошини силаб, меҳр берди. Раҳмат, шу кувёга. Уйдан сингилларингнинг сарпосига олиб қўйилган нарсаларни олиб кетсанг ҳам индамадим. Яна нима қилай, болам?! Озгина сабр қилсанг, ўй олиб бераман, сингилгини узатиб олайлик.

- Ха, эсимдан чиқибди, қўша-қўша узуклар олибди қизингиз. Пул топяпсизлар-ку, уйга топилмай қолдимми?

- Болам, синглинг маошидан тўплаб олди узукни. Сенга ҳам олиб бергандим, сотиб йўқотиб юбординг... Ўғай дема, ўз жигаридай кўради улар сени ҳам, болангни ҳам...

Бечора онаизор минг тавалло билан ялиниб набирасини олиб кетди. Эртаси куни яна подьездда ўша аёлни учратдим.

- Синглим, булар кўчиб кетишди, бир соатдан бери эшик олдида кутиб турибман, жавоб беришмаяпти, - сўради аёл мендан.

Мен онахонни уйимга таклиф қилдим ва кўшнингнинг уйини тақиллатдим. У "ким", деб овоз берди ва мен эканлигини билгач, эшигини очди.

- Синглим, онангиз билан ораларингизда не ўтганини билмадим, аммо остонада илҳак қилиб қўйиш яхши эмас. Сиз ҳам бола боқаяпсиз, худодан кўринг, - дедим. У эса:


- Опа, сиз билмайсиз, менинг дадам ўғай. Онам ҳам ушаларнинг кўйига кириб қолган. Эшикда турса турар, кўзим учиб тургани йўқ онамни кўришга, - дея эшигини ёпди.

Онаизор менинг олдимда хижолат чекиб қолди. Сўнг:

- Майли, эртага яна келарман, - деб ортга қайтди.

Ох, бечора она! Муштилар онажон, сочлари шу фарзандлар ташвишида оқарган, йиллар ташвиши, рўзгорнинг баланд-пасти юзларига чиқиб тортган онаизор-а. Фарзанди учун жонфидо, бечора она "яна келарман", дея ортга қайтди. Кимдир она дийдорига зор, кимдир меҳрга ташна. Омадсизлигининг аламини онадан олиш керакми?! Онада не айб? Тақдир - бу! Қолаверса, ўзинг ҳаракат қил, бойлик "жинни"си бўлсанг. Боқиб тарбиялаб воёга етказди. Турингда ўтирадиган чоғи ҳозир онанинг.

Кейин билсам, ўша кўшнингнинг онаси мактаб директори, обрў-эътиборли аёл экан. "Бир палақда ҳар хил ҳамақ", деб шунга айтилар-да! Шундай мулойим, мулоҳазали аёлдан шундай қўпол киз ду-



АСРАЙЛИК!

римни тиёлмадим.

• "Болажоним, сени не учун касаллик енгиб қўйди? Қачон бу дард жисму жонингдан ўрин олди? Нечун сезмадим? Бепарво бўлдимми? Беэтибор бўлдимми? Қаерда хато қилдим, янглишдим? Англаб етолмайман... Кўнгирадқай овозингни, рубобни ўйнатиб чапишларингни соғиндим, болажоним. Дийдорига зор қилган, болам! Чимилдик кўрмай, "ёр-ёр" тингламай, ёр қучмай тупроқ қучиб ётган, болам. Боққанларимга, берган оқ сутимга мингдан-минг розиман. Қабрингда тинч ётгин..."

• Жаннат опанинг ўғлига атаб ёзган шеърларини ўқисангиз, йиғлайсиз. Опага эса сабр тилашдан ўзгаси қўлимиздан келмайди. Она барибир она экан-да. Фарзанд хушхулқ бўлса ҳам, бадхулқ бўлса ҳам, йиқилганинда сўяб тургазадиган, йиғласанг овуғтадиган, бойлигу, камбағалликка кўз юмадиган, фарзанднинг бошига соябон она экан.

• Пактаободда онажонимнинг Холисон она деган кўздек қўшниси бор. Онам билан бирга ҳамшира бўлиб ишлаган. Пазанда, ораста, ширинсўз, оқибатли ва ҳаммадан яхшиши - меҳнатқаш ва сабрли аёл. Икки ўғил, икки қизни ўқитиб, тарбиялаб воёга етказишди. Қизи - врач-гинеколог, ўғли - иқтисодчи, яна бир қиз - дизайнер. Катта ўғли чет элда ишлаб келди. "Болам, чет элдан ишлаб келган пулингга уйни

• зумда йўқолиб қолди. Сал кам 1 соат изладик. Қирмаган қўшнанинги кўр қолмади, шайтон ўлғур ҳам хар хил хаёлларга олиб боради. Қўшни маҳалладан топиб келдим. Сумалак бўлаётган жойга қўшни болалар етаклаб кетибди. Ўғилчамни қучоқлаб йиғлаганимда онамнинг қадрини билдим. Оналик нелигини англаб етдим. Иккинчи фарзандимни туққанимда чакалоғимга парвона бўлган онажонимнинг меҳригёйсини кўриб ҳам қувончдан йиғладим, ҳам эсон-омон фарзандим дунёга келганидан. Қизалоғим дунёга келганида бошимда парвона бўладиган онаизорим йўқ эди, ўшанда вафот этганди. Қўшнилари йўқлаб кўргани келсалар ҳам кўзларимга ёш келди. "Бечора мусофир-да, ҳеч кими йўқ, онаси ҳам яқинда вафот этган, кўнгли ярим", деганларини эшитдим.

• Базан ишларим юришмайди қолса ёки болаларим сал иситмалаб қолса, ўша куни онам тушимга қиради, тасалли беради. Оналар вафотларидан кейин ҳам оналигича, фидойилигича қолар эканлар. Она ўрнини ҳеч зот босолмайди. Ҳеч ким онанг каби бошининг силамайди. Оналар каби баргига босмайди. Оналар таҳсинга лойиқ зот. Уларни ардоқланг, қадрига етинг. Ҳаётлигидега дуосини олиб қолинг.

БАХТЛИ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМ БОРМИ?

- Ота-онам топган йигитга турмушга чиққанда 20 ёшда эдим, - дея сўз бошлади тахририятимизга келган ўрта ёшлардаги аёл. - Эндигина техникумни тугатгандим. Хўжайиним идорада ишлар, келишган йигит эди. Ҳаётимиз тинч, осойишта кечаётганди. Фақат битта муаммо бахтимизга соя солиб турарди. У ҳам бўлса - фарзандсизлик... Текширтирмаган табибу, дўхтиримиз қолмади. Натижасиз... 5 йил шундай ўтди.

Бора-бора эрим қулиб: "Агар туғиб бермансанг, бошқа хотин оламан", дейдиган бўлди. Бу гаплардан товоним-гача зиркираб кетарди. Эрим гоҳо ишдан кеч қайтадиган одат чиқарди. Баъзан, ўртоқларим билан ўтирдик, деб сарҳад уйга кириб келарди. Мен эса йиғлаб тонг орттирдим.

Кейин эшитсам, хўжайиним турмуши бўлмаган синфдоши билан учрашиб тураркан. Мен тишимни тишимга қўйиб яшайвердим. Шу орада ўзимда ўзгариш сездим. Дўхтирга борсам, "ҳомиладорсан", деди! Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Аммо эрим бу хабардан қувонмади. Бир ҳафта шу зайлда ўтди. Сўнг эрим уйга келмай қўйди. Мен эса фарзандимиз туғилгач, аҳвол ўзгаришига умид қилиб яшадим. Ой-куним етиб, ўғил кўрдим. Эрим турухонага бир марта келиб кетганича, бошқа қорасини кўрсатмади. Уйга кетадиган куним ҳам қайнонам келдилар. Эримники қуддам билан "чиламаиз чиққунча" яшадим. Кейин "онамиккига бориб келамиз", дедим, шу бўйи уйга қайтмадим. Менинг биринчи хатойим - шу бўлди. Аммо хўжайиним ортимдан келмади. Шу орада "у хотин" ҳам ўғил туққанини эшитдим. Аммо бола ногирон туғилибди. Эрим уйга қайтиб,



менинг қайтишимни одамлар орқали айттириб юборибди. Уйдагиларим учун эса эримнинг ўзи келиб олиб кетиши керак эди. "Ушанда отам мени ҳайдаб солганларида ҳозир бахтли яшаётган бўлармидинг?" - деб ўйлайман баъзан...

Ўғлим 3 ёшга кирганда, мен 25 ёшда эдим. Тошкентга келиб пединститутга ўқишга кирдим. Кунларнинг бирида бошқа юртлиқ, оиласи билан ажрашган бир йигит менга "оғиз солди". У уйдагиларга ҳам маъқул бўлибди. Бу пайтда ўғлим 5 ёшда эди.

Биз турмуш кўрдик. Иккинчи турмушим 7 йил давом этган бўлса, шу давр мобайнида болагинаманга эримдан яшириб меҳр кўрсатдим. Унга гамхўрлик қилсам, эримнинг жаҳли чиқар, эримнинг айтганини қилсам, болам мунгайиб қоларди. Бу орада яна ўғил кўрдим. Эрим энди иккала болага қиладиган муносабатимдан "қир" излайдиган бўлди. Бунинг устига ишхонасидаги бир аёл билан учра-

шиб юраркан. "Агар ўғлингни онангга ташлаб келмасанг, ўша хотинга уйланаман, унинг пули кўп, айтганимни қилади", - деди бир кун. Аслида ҳам мактабда ўқитувчилик қилиб, рўзгорни фақат ўзим тебратардим. "Хоҳлаганингизни қилинг", - дедим. У ўша кунни кейин чикиб кетди. Кейин эшитсам, ўзидан 5 ёш қатта, бола-сиз хотин билан яшаётган экан. Уй ўзимники эди. У билан ажрашдик.

Ҳозир катта ўғлим олийгоҳда, кенжам лицейда ўқийди. Болаларим ҳудода шукр, эсли-хушли чиқишди. Охириги пайтларда кенжа ўғлим: "Ойижон, бизни деб умрингизни ўтказманг, турмушга чиқинг. Дадамнинг ҳам хотини бор-ку! Биздан хижолат бўлманг. Биз ўзимизни эплаймиз", - дейди. "Менга жуфт бўладиган одам ўғилларимга ҳам меҳр беролармикан, ўз оталаридан эшитолмаган ўгиту насихатларни ундан ололармиканлар?" - деб ўйлайман. Шу боис тахририятга келдим. Менинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққим борми?

Жувоннинг чиройли рухсорига маҳзунлик соя солди. Кўзларида ёш гилтиллади. Аввалига: "Енингизда шундай фарзандларингиз-давлату ҳимоянгиз бор экан, яна тавақал қилиш шартмикан?" - дегим келди. "Эр билан яшаб-яшмай ёш умри ўтган 40 ёшли аёлнинг орзуларига нега йўл ёпилиши керак экан?! Унинг ҳам кўнгли тирик-ку!" деган ўй билан унга юзландим.

- Албатта! - дедим аёлга таскин бериб. - Бахт ҳам бир омад. Тақдир тақозоси билан жуфтини йўқотган, фарзандга зор, ширин сўзининг гадоси бўлган инсонлар Сиздай ҳамроҳни излаётгандир? Ҳаётга умид билан қаранг, муродингизга етасиз!

- Исмин Мухайё, сизларга Навоий вилоятдан кўнгирак қилаяпман. Газетангизни кўп йиллардан буён ўқийман. Йиллар давомида йигиб қўйганларим ҳам бор. У менга бир дўстдек бўлиб қолган. Бир кўнгилисиз воқеадан жуда афсусланаяпмиз. Шу ҳақда сизларга гапириб бермоқчи эдим. Токи бошқа эркаклар ҳам шундай хатоликларга йўл қўйшмасин, дейман-да...

Газетамизга эътиборингиз учун ташаккур! Кулоғим сизда... - дедим.

- Султон деган қариндошимиз Наргиза исмли чиройли бир қиз билан севишиб турмуш қуришди. Иккиси ҳам бозорда тadbirkorлик қилишарди. Уч фарзандли бўлишди. Яхши уй-жойлар қуришди. Уларга ҳамма-нинг ҳаваси келарди. Табиийки бозорда иш қиладиганларнинг ошна-оғайинлари, уларнинг тўй-тадбирла-

нинг ўртасига борганда йиқилиб тушди. Қўйлақлари очилиб, шармандали ҳолда тура олмасдан ётаверди. Уни эркаклар кўтариб олиб чиқишадганини кўриб, Султон уятдан ерга кириб кетай деди. Уни амаллаб ўртадан олиб чиқишди. У: "Мени қўйворларинг, мен ўйинга тушман!" - деб бақирарди. Султон уни зўрга машинга солиб жаҳл ўйига олиб кетди.

Бу воқеани маҳаллада ҳамма кўрди. Кимдир ачинган бўлди, кимдир устидан қулди. Бозордаги рақиблари эса, "Ажаб бўлди-да!" - дейишди.

Султон эса бир ойгача кўчага чиқмади. Ота-онаси ҳам келинининг бу қилмишидан бошлари эгилиб қолди.

- Эри у билан уриш-жанжал қилдимми?

Кўнгиракларингиз...

МАШИНАСИ БЎЛМАГАНИДА ЭДИ...

ри ҳам кўп бўлади. Менимча, ҳамма бало шундан келиб чиққанмикан?

- **Нима воқеа рўй берганди?**
- Улар ажрашиб кетишди...
- **Жиддий сабаб биланми, ёки...**

- Балки жиддий ҳам эмасдир? Нима дейишга ҳам ҳайронман. Биласизми, боя айтганимдек, улар тўйларга ҳам, туғилган кунларга ҳам доим бирга боришарди. Султон рўлда бўларди. Биласиз, ошна-оғайингарчиликда. Давраларда ўтиришганда бир-икки қадаҳдан ароқ ёки вино ичилиши турган гап. Мана шундай пайтларда Султон оғайинларига: "Мен рўлдаман. Машина хайдашим керак. Менинг ўрнимга мана, Наргизага қанча бўлса ҳам қўйиб бераверасизлар. Чунки, уни машинада ўзим олиб кетаман", деб хотинининг ичишига руҳсат бераверган. Оқибатда эса...

- **Нима бўлди?**
- Наргиза спиртли ичимликларга ружу қўйибди. Тўғри, аввалига ишдан ичиб келса ҳам Султон: "Бирорта тadbirkor бўлгандир-да", - деб аҳамият бермабди. Кейинчалик эса у ҳар кун ичиб келадиган бўлибди.

- **Эри унга индамасиндир?**
- Албатта, у хотинига танбех берган. Лекин Наргиза ўз билганидан қолмабди. Энг ёмон шундаки, бу қилиги элга ҳам шармандаларча ошкор бўлди-да.

- **Қандай қилиб?**
- Султоннинг яқин бир дўсти қиз қарадиган бўлганда Наргиза билан бориб хизматда бўлишди. Тўйда биз ҳам бор эдик. Тўй авжига чиққанда Тошкентдан таниқли бир хонанда келиб шўх қўшиқларидан айта бошлади. Наргиза эса ҳали у билан, ҳали бу билан қадаҳ уриштиравери қайфи ошиб қолгандай. Ўзини ўзи бошқара олмас-да, чайқала-чайқала бориб хонандага пул қистирди.

- **Бу ёмон одат эмас, шекилли?**
- Тўғри, афсуски, Наргиза шундан сўнг даврдан чиқиб кета қолмади-да. Маст аёлнинг уйнаётганини кўриб ёшлар даврдан чиқиб кетишди. У эса бир ўзи қолгач, айланаб-айланаб давра-

- Уч кундан сўнг судга ажрашиш учун ариза берди.

- **Сизлар насихат қилиб кўрмадингларми?**

- Насихат қилдик. У буқилган номусини шу билан тикламоқчи бўлдим, ишқилиб ўз гапидан қайтмади. Ҳозир у уйдан чиқиб кетган. Ота-онаси билан яшашпти.

- **Оиласини тиклаб бўлмайдими?**

- Йўқ! Энг ёмони, тўйга Наргизанинг бўлажак қудалари ҳам келишиганди. У катта қизини унаштириб қўйган, бирор ойдан сўнг тўй бўлиши керак эди. Улар айниб кетишди. "Пиёниста онанинг қизини келин қилмаймиз. Онасини кўриб қизини ол, дейишган-ку!" - дейишибди. Бу гап фарзандларининг ҳам ҳаётига таъсир қиладиган бўлди.

- **Наҳотки отаси ҳам фарзандларни тақдирини ўйла-маса?**

- Нега энди. У ўйлайди. Яна у ўзини Наргизанинг олдида гуноҳдор ҳис қилаяпти.


- **Нима учун?**

Ахир Наргиза турмушга чиққунча қандоқ гўзал, ақлли қиз эди. Икки-уч йилгача, яъни Султон машина сотиб олгунча ҳам умуман ичмаган. Аммо машина олгандан сўнг эри давраларда ўзи ичмасдан уни рўпара қила-вергач, шу қўйга тушди-да. Султон ҳам афсусда. "Агар машина олмаганимда хотиним ичмасди, бунга ўзим ҳам сабаб-чиман. Энди эса эл олдида шармисор бўлдик. Болаларимизнинг ҳам боши эгилди. Бироқ уларни ҳам ташлаб қўймайман. Лекин энди сира бирга яшай олмаймиз", дедпти.

Мухайёхон чин дилдан уларга ачиниб гапирарди. Кейин гўшакни қўйди.

Ушбу воқеани эшита бошлаганимда аввалига Наргиза айбдор, деб ўйлаган бўлсам, ниҳоясида эса Султон ҳам айбдор, деган фикрга келдим. Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

ҲАР КИМ ЎЗ ҚАРИЧИ БИЛАН...



Ошхонада тушлик қилиб ўтиргандим. Икки аёл ёнгинамдаги стол атрофидан жой эгаллашди. Туладан келгани "уф" деганча пешона терини артаркан, таом буюртма қилди. Сўнг:

- Воҳ, воҳ, кечаги "худойи"нинг таомлари бўлсам ҳам хозир, - деди танглайни чаппиллатиб. — "Худойи"ми-сан, "худойи" бўлди-да. 200 дан ортиқ меҳмон келди-ёв! Дастурхонда-чи, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Ресторанда эса эркакларга 1000 кишилик "ош" берибди.

Унинг оғзини тўлдириб гапиринишига шеригининг бироз энаси қотгандай бўлди:

- Эгачи, шу Адамжон деганингизнинг ота-онаси яшайдиган ҳовлини кўрганмидин-

гиз? Охириги пайтларда "тўкилай-тўкилай" деб қолганди. Ўғил эса ўзига данғиллама участка қуриш билан овора эди. Бир кун шўрлик кампир (онаси) ён қўшниси Лобархонни-кига ён сўраб қичқиди-я! Ҳар бир фарзанд ота-онасини тирингиз ардоқлаган экан. Энди бутун дунёга ош берса ҳам отаси тирилиб келармиди!

- Вой, вой, нима деяпсиз? Ўлганлар бу дунёда кўрмаганини у дунёда кўрсин, десангиз-чи, қоқиндик. Ҳаммаинг ҳам ўғли шундай маърака қилсин-чи. Бунинг савобига не етсин, лабини буриб овқатини ея бошлади аёл.

- Юқори кўчадаги Алижонни биласиз, - деди ҳамроҳи, - қачон қараса, ота-онасига бозорнинг тансиқ таомларини ташгани-ташиган эди. Ҳар йил уларни

дам олишларга ҳам юбориб турарди. Яқинда онаси казо қилганда, мазордан қайтишда йиғилганларга: "Уч кунгача дуойи фотиҳага эшигимиз очик. Бошқа маърака қилмайман. Топганимни бева-бечораларнинг уйларига таркатаман. Мен бу ҳақда раҳматли онагинам ҳаётлигида айтганимда, гапимни маъқуллаган эдилар. Мени айбга буюрмайсизлар", - дебди. Ростданам, азанинг 7-куну кўй сўйиб, маҳалладаги муҳтожларга ўзи тарқатиб чиқди. Мана бу ҳаққини савоб.

Тўлароқ аёл эса шеригининг фикрига қўшилмагандай, "барибир Адамжондан зўри йўқ", деганча овқатланишда давом этарди...

"Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, деганларни шу бўлса керак-да", - кўнглимдан кечди менинг.

Санобар ФАХРИДИНОВА

БИЛИНГКИ, БАҲОР ҚАЙТМАЙДИ...

Хурматли Нодиржон ўғлим! Ёшлик баҳорингиз ўтган, ҳаммаси эсдан чиққан бир даврда, яхши аёлга уйланиб, бола-чақали бўлиб, амалга, хурмат-эътиборга эришганингизда ўтмишда севган қизингиз - биринчи муҳаббатингизни учратиб қолибсиз. Бу учрашув юрагингиздаги ўтмишга қайта ёндирган. Тинчлигингиз, шод-хуррам ҳаётингиз ўрнини ўтмишнинг оғир хотиралари эгаллабди. Лекин шуни билингни, баҳор қайтмайди.

Бахтли, тинч оилангиз, садоқатли хотинингиз, севиқли фарзандларингиз, ҳаётингиз хавф остида турибди. Ёки биринчи муҳаббат, ёки бахтли оила деган икки йўл орасидасиз. Турри, бу ҳол жуда оғир. Аммо бир ўйлаб кўринг. Ёшлиқда Назокатхон ота-онасига сиз тўғрингизда айтиб, фақат сизга турмушга чиқаман деб, туриб олса бўларди-ку! Аммо Назокатхоннинг оиласи сизни камситди... Назокатхон энди сизнинг ҳаётингизга шодлик эмас, бахтсизлик келтиради. Сиз уни қандай бўлмасин унуттишга ҳаракат қилинг! Уни эсламанг! У билан бошқа учрашиб, ўзингизни қийнаманг!

Онангиз олиб берган, оилангизнинг бахти бўлган хотинингизнинг қадри-ни билинг. Чунки у хотин сизга бутун ҳаётини бағишлаган. Сизга чин юракдан меҳрини бағишлаган, ширин-ширин фарзандлар туғиб берган. Унинг меҳри билан оилангиз файзли. Сиз бахтсиздасиз. Келгусида қадрингизни биладиган фарзандларингиз, ишонган тоғларингиз бор.

Шу ўринда бир қариндошимизнинг бошидан ўтган воқеани ёзиб ўтмоқчиман. Уруш даври - оғир йиллар. Марғилонда яшаган Нафиса деган амманнинг қизи 10-синфни тамомлаб, олий ўқув юртига кириш учун Тошкентга, акасиникига келади. Акаси Тошкентда яшар, оилалик эди. Лекин ҳаёда эрининг қариндошлари келиши бир хоналик уйда яшаган келиноийисига сира ёқмайди. Нафиса ўқишга кириш учун пединститутга ҳужжатларини топширади. Лекин имтиҳонлардан ўта олмай, институтга қиролмайди. Орқага қайтса уят. У тикучилик корхонасига ишга кириди. Ижара уй олиб, ўз кунини ўзи кўра бошлади. Нафиса гўзал, сочлари узун қиз эди.


Тикучилик корхонаси бошлиғи Карим деган йигит уни кузатиб юриб, севиб қолади. Карим Нафисага ўз туйғуларини баён қилиб, у билан учрашиб юришни таклиф қилади. Нафиса унга: "Мен Тошкентга ўқишга келганман", - дейди. «Ўқишга кирсангиз ҳам, кирмангиз ҳам мен сизни чин юракдан севаман», - дейди йигит. Хуллас, улар учрашиб юришади. Нафиса ҳам уни севиб қолади. Каримнинг онаси уни холасининг қизи Шарофатга уйлантирмоқчи эканлигини айтади. Карим онасига: "Менинг севган қизим бор, унга уйланман", - дейди. Онаси қизнинг кимлигини суриштириб, марғилонлик эканини билади. Ўғлига: "Мен марғилонлик келин олмайман. Сен фақат холангнинг қизи Шарофатга уйланасан. Менга қарши чиқсанг, сендай ўғлим йўқ", - деб айтади.

Ота-онасининг сўзидан чиқмаган Карим уйдаги воқеани Нафисага айтади. Нафиса ҳам Каримни жонидан ортиқ севарди, тақдирга тан бериб, улар ўртадаги муҳаббат илларини узиб, учрашмай қўядилар. Нафиса олийгоҳни тамомлаб, Тошкентда қолиб, аспирантурада ўқишнинг давом эттиради ва педагогика институтида ишлайди. Каримни Шарофатга уйлантиришади. Ҳаёт давом этади. Карим фарзанд кўради. Лекин у майиб-мажруҳ бўлиб туғилади. 1 ёшга кирса ҳам ўтириб-туролмас эди. Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг меваси шундай бўлишини ўқимишли, ақлли Карим тушунган эди-ку. Ўз севгиси учун кураша олмаган, энди жазосини тортаётган эди. Ҳар куни уйда жанжал, кўз ёш Шарофатни ҳам азобларди. Каримнинг эришга олмаган севгисини эса энди тиклаб бўлмасди. Карим дард-аламлардан қутулиш учун ичкиликка берилиб, маст бўлиб кўчаларда қолиб кетар, унинг аввалги зарбастлигидан асар ҳам қолмаганди. У айб ўзида эканини, муҳаббати учун кураша олмаганини, бу ҳолга ўзини сабабчи эканини биларди. Бир куни мажлисдан чиқиб уйига кетаётган Нафиса скамейкада маст ҳолда ўтирган Каримни кўриб, унинг олдига боради. Аввал ҳам Каримнинг оғир аҳволга тушиб қолганини унинг дўстларидан эшитганди. Энди унинг аҳволини ўз кўзи билан кўриб, юрак-бағри эзилиб, кўзига ёш келади. Чунки ҳали ҳам у Каримни қаттиқ севарди. У Каримдан ичкиликни ташлаш-

"Учрамаса яхши бўларди" - 41-сон

ЭСАЛТА: Назокатни учратиб қолганимдан бери ҳаловатим йўқ, Ёлғиз эканлигимни билгач, бир ҳаёлим уйлансамми, дейман. Бу ёққа ширин оилам, ақлли аёлим, ўспирин фарзандларим нима бўлади? Қайси йўлни танласам экан? Нима қилишга ҳайронман.

Матлуба



ни илтимос қилади. Улар бир-бирига яхши тилақлар тилаб, хайрлашадилар. Нафиса яхши ишда ишлаб, турмушга чиқмаган, Каримни севгандай ҳеч кимни сева олмаганди. Нафиса Каримнинг шу аҳволга тушиб қолганини бошқа кўрмаслик, қуймаслик учун ўз юрти - Марғилонга кўчиб кетади.

Уйламай қўйилган қадамнинг охири - азоб. Қилиб вазиятдан чиқолган одамгина қойибдир.

Файнжамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри.

Оила муқаддас! Никоҳ ундан-да муқаддас! Оиланинг юзига оёқ қўйган, никоҳнинг муқаддаслигини унутган одам ҳеч қачон ҳаётда бахтли бўлолмайди. Ўзингиз айтибсиз-ку: "Шукри, онам танлаган келин билан оилам мазмунли, намунали бўлди, учта фарзандни тарбия қилдик", деб. Энди яна нега шайтонга ҳай бераяпсиз? Орқага қайтмоқчи бўлаяпсиз? Сизнинг оилангиз ўрта хол яшагани учун уларнинг тенги бўлолмай, Назокатнинг эшигидан онаизорингиз бир эмас, тўрт марта рад жавоби билан қайтганини унутдингизми?! Назокатнинг нигоҳига ишонманг. У алдамчи, ўткинчи нигоҳ, Алданиб, ширин-шаркар болаларингиз ва хотинингизнинг кўзларини ёшламанг. Алдамчи нигоҳга ишониб, чув тушиб, сўнг пушаймон қилиб юрадиган лақма йигитларга ўхшаманг. Назокат нега ўз вақтида ҳаракат қилмади, ота-онасига тушутирмади, айтмади. Юракда бўлса-билақда кўринади, дейдилар. Унинг юрагида ҳақиқий муҳаббат бўлса курашарди. Энди қари қиз бўлганида оилани йигитни йўлдан урамсин. Тенгини топсин. Сизнинг тинч, осийшга бахтингизга санг солмасин. Онаизорингиз Назокатнинг эшигидан куруқ қайтган пайдагидек "кўнглингиз" билан эмас, ақлнинг билан яшанг. Ўзингизни тинимсиз изланишга, муваффақиятларга эришишга бағишланг. Ҳа, бу сизнинг гапларингиз ва бу яхши ниятлар ширингиз бўлиб қолсин.

Энди сиз Нигораларга эмас, фарзандларингиз тарбиясига, уларнинг яхши билим, ҳунар ўрганишларига, ақлли, одобли бўлишларига қаранг. Хотинингиз-сизнинг бахтингиз, фарзандларингиз бахти. Бўш пайтларда бир-галликда дам олиб, мазмунли, завқ-шавқли ҳаёт кечиринг. Поклик, оилавий хотиржамлик, тинчлик, тўқин-соқинликда яшаб, фарзандларингиз камоллини, тўй-томшаларини кўринг. Ҳа, алдамчи нигоҳни унутинг! Йигит кишининг сўзи, нияти битта бўлади. Арслон изидан, йигит сўзидан, яъни оиласидан воз кечмайди. Қадамни билиб босганнинг умри узун, нияти холис, вақти чоғ ва энг муҳими виждони тоза бўлади, иншооллоҳ.

Санъат МАҲМУДОВА

Эх, адашган сингил! Зулфия билан ижарада яшабсиз-у, ичини ўрганмаган экансиз-да. Уларникига боргандирсиз, паллага қизикмабсиз-да. Яхши-лигингизга жавоб дуруст бўлмабди. Қизингиз одоби-хаё, ибосида. Унинг ўз фойдасига пухталиги кўриниб турган экан. Ҳеч тап тортмасдан, уялмасдан "Мени янга қил" деган. Онангиз билан чуқурроқ мулоҳаза қилмабсиз-да. Унинг қандайлиги сўзларида аён эди. Мақсадини айтиб, хандон отиб қулишлари, қулги билан бекитиш, андавалаштириш. У эрли бўлиш учун ҳатто йиллаб ёлворибди. Бўлар иш бўлган. Аммо Зулфия сизларга келтирган маънавий зарар қимматга тушмоқда. Ақангиз у билан умрбод бирга яшашига ҳам эрибмайди. Оилаларингизнинг мартабаси, ақангизнинг ўқимишлилиги, яхши мутахассислиги, топши-тутиши уни қизқиртирган. Буни энди тушунапсиз. Онани, отани, сингилни йўқотса, уларни қайта топиб бўлмайди. Мардонбойнинг

ҲАЛИ ҲАМ КЕЧ ЭМАС

кўнглига келмаса, фикримизни тўғри қабул қилса, бундай ярамас хотиндан воз кечсин. Кўзи қиймаса болаларни олиб қолиб, ўзларингиз тарбиялангиз. Одамнинг, аёлнинг гўзаллиги, чиройи—маънавият мезони эмас. Кўнгил, фикрлаш тарзидан инсон маънавий дунёсини аниқлаш мумкин. Зулфиянинг маънавий олами қашшоқ. Маълумоти олий бўлса-да, паллагаи тортган. Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, дейдилар. Янгангиз ҳам олий маълумот олибди-ю, маънавиятини бойитмабди. Ақли ноқис бўлмаса, ўзига яхшилик қилган, ижарада бирга яшаган дугонаси—ўзига янга қилган қиз-сизнинг бахтли бўлишингизга қарши туриши, совчиларга ёлгон ахборотлар айтиши, сиз бахтингизни топиб кетгач, эрингизга кўнгирик қилиб сурбетларна курақда турмайдиган иғволарни етказиши—ҳеч кечириб бўлмайдиган ҳолат. Эрингиз обрўйини оширадиган, бахтли қиладиган хотиндир. Зулфияда бундай фа-

зилатлар йўқ. Бахт излашингиз айлмай йўқ. Шунинг учун ҳам қадимгилар: "Хотин йўлда, бола белда, ота-она, оғани қайда?" деганлар. Кушининг ҳам уяси бузилмасину, Зулфия ақангизга сеvimли хотин, сизга хурматли янга, ота-онангизга эъзозли келин бўлишга арзимайди. Ҳаёсиз, тарбиясиз келиндан воз кечганларингиз маъқул. Ақли, тарбияли, маънавияти юксак аёл-қизлар бисёр. Зулфияга ўхшаганлар қўйишига ҳам, асабини бузишга ҳам арзимайди. Энг ачинарлиси, Мардонбойнинг ҳам умри куймоқда. Вақт-олий ҳақам. У энг яхши малҳам. Озгина сабр даркор. Мен ўз муносабатимда сал кескинроқ, қаттиқроқ теккан бўлсам, кечирсинлар. Гап келганда отангиз аяма, деганлар. Авайлаганимиз билан Зулфияга ўхшаганларни тарбиялаб ҳам бўлмайди. Чунки палаги шунақа.

КўКҮРҒОНИЙ.

"Дугонани янга қилганим" - 44-сон

ЭСАЛТА: Дугонанинг севдим деганига ишониб, ота-онамни уни келиш қилишга кўнглимданам. Афсуски, у мен ўйлаганчалик яхши қиз эмас экан. Оиламизни пароканда қилди.

М. Шукурова

Ушбу мақолани ўқиб, қўлимга қалам олишни лозим, деб топдим. Қизим, аввало сизга, қолаверса, ота-онангизга жуда ҳавасим келди. Тушунган оила экансизлар. Айрим оилаларга ўхшаб, ўғилларининг ҳаётини барбод қилишмабди. Дугонанинг кўрнамалик қилибди. Онангизга айтинг, ҳечам сиқилмасинлар, асабларини бузмасинлар. Мана иккинчи ўғиллари ҳам бор экан. Аслида ота-она кенжа ўғил билан яшайди. Яхшиямки кичик келин инсофли экан. Тарбия берган ота-онасига раҳмат. Ўзингиз ҳам сиқил-

манг. Турмуш ўртоғингиз ҳам яхши инсон эканлар. Катта келиннинг тухмати-га ишонмабдилар.

Энди, Зулфияхон қизим, сизга бир оғиз сўзим: наҳотки бирга ўқиб, бирга яшаган дугонанингизнинг сал бўлса-да хурматини қилмадингиз, уни ака, ота-оналари олдида мулзам қилдингиз?.. Сизга уят. Ота-онангиз сизга шундай тарбия беришганим? Наҳотки шунчалик обрўли оилани қадрига етмасангиз. Қизим, мана ўғилли ҳам бўлибсиз. Сиз ҳам бир кун шайтонга-қайноналарингизга ўхшаб қарийсиз. Йиллар ўтиб эрингиз бир жойга борганда, худди ўзингизга ўхшаб келиннингиз шундай қилиши мумкин. Илоҳи бўлса, ҳозирдан охирини ўйлаб, оилангиздан кечирим сўранг. Хали ҳам кеч эмас.

Паттихон САМАДОВА,
Фаргона вилояти,
Ўзбекистон тумани.


ТАБРИКЛАЙМИЗ



Меҳрибон адажон ва ошхон!
Сизларни турмуш қурганингизга 43 йил тўлганига билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Илоҳим, бахтимизга соғ-саломат бўлинглар. Биз фарзандларингиз роҳатини кўриб, бахтли ҳаёт кечиринглар.
Фарзандларингиз.




МУРОДБЕК почча ва ФАЗИЛАТ опа!
Никоҳ тўйларингизнинг 15 йиллиги билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизларга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Доим ўйлаингиз оқ, юзингиз ёруғ, дунёдаги барча яхши эзгу тилаклар ҳамроҳингиз бўласин.
Яқинларингиз.



Ўғлим ЮСУФЖОН!
Сени таваллауд айёминг билан табриклаймиз. Бахтимизга доим соғ-омон бўл. Ўқишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Дадаг Жаббор, онаг Ражабой.



Онажонимиз Нурухон УСМОНОВА!
Туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Фарзандларингиз бахти-камолини кўриб, юзаян ошиб, минг ёш билан юзлашинг. Бахтимизга соғ-омон бўлинг. Фарзандларингиз. Тошкент вилояти, Бўка тумани.



Хурматли ХУДОЁРХОН!
Сизни 60 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, бахт саодат тилаймиз. Дўстларингиз номидан Турғунбой.



Опановим УМИДА!
Сизни таваллауд айёмингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга узоқ умр ва атиргулак очилиб юршингизни тилайман. Бахтли бўлинг. Синглингиз Жумагул. Хоразм вилояти, Хазорасп тумани.

Муҳтарам опамиз Ҳалимаҳон УСМОНОВА!

Сизни таваллауд айёмингиз билан қутлаймиз. Илоё, соғ-саломат бўлинг. Опа-сингилларингиз.

А. Қодирий номли Маданият олийгоҳидан **ТОШМЕТОВ ЭРКИН ЭРГАШЕВИЧ** номига 1993 йилда берилган **ЦВ 783108** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР қилинади**

ТАТУ томонидан **ТУЛЯГАНОВ КАМОЛИДДИН ЗИЯВУТДИНОВИЧ** номига 2003 йилда берилган **ОЗТО17** рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР қилинади**

ТАТУдан **ДАВЛЕТОВ ҚАСИМБЕК МУРАТОВИЧ** номига 2004 йилда берилган **04 ТРО54** рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР қилинади**.

ШИФОКОРИМ – МАДАДКОРИМ!

Мен Тошкент шаҳар "Маданият" маҳалласида яшайман. Бизнинг маҳалламиз ахлини 16-поликлника шифокорлари даволайди. Бу йил уруш қатнашчиси, 1-гурӯх ногирони, турмуш ўртоғим Бахшиев Ёдгор ака урушда олган жароҳатлари тавсирда қаттиқ касал бўлиб қолдилар. Учаска шифокорлари эрта-кеч уйимизга келиб, турмуш ўртоғимнинг ҳолидан хабар олиб, дори-дармонлар билан даволаб, мадад бериб туришди. Лекин вақт-соати етган эканми, турмуш ўртоғим вафот этдилар. Бу жудодик мен учун жуда

оғир бўлди. Қаноти синган қушдай ёлғиз қолдим. Албатта фарзандларим холимдан хабар олиб туришди. Лекин дили пок шифокорлар ёрдамида оёққа турдим. Айниқса шифокор Юнусова Мухаррамхоннинг хизмати алоҳида таъкидлагим келади. Учаска шифокори Соҳидахон эртаю кеч оилалардан хабардор. Хамшира қиз Мухаббатхон кечалари ҳам келиб уқолимни қилиб кетади. Меҳрибон инсонларга чин дилимдан миннатдорчилик изхор қиламан.

Файнижамол АБДУЛЛА қизи, II-гурӯх ногирони.

«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга тақлиф этади:

1. Тикувчилик - 3 ой. Бошловчилар 6 ой.
2. Хамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
3. Тиббий массаж - 2 ой (амалиёт билан)
4. Торт ва пишириқлар - 2 ой.
5. Пишириқлар олий курс 1 ой.
6. Уйгурча таомлар ва салатлар - 1 ой.
7. Сартарошлик - 3 ой (аёллар учун).
8. Парда ва чойшаблон - 1 ой (амалиёт б-н).
9. Сартарошлик - 2 ой (ўғил болалар учун).
10. Қашқачилик - 3 ой. (машинкада вишивка).
11. Инглиз тили - 3 ой.
12. Рус ва турк тиллари - 3 ой.
13. Бисер тикши - 2 ой (яъни мунчоқ тикши).
14. Компьютер сабоқлари - 2 ой яққа тартибда. Интернет - 1 ой.
15. Бухгалтерия ҳисоби - 2 ой.
16. Сунъий гул ясаш - 2 ой.
17. Астарли костюм-плаш, пальто - 1 ой.
18. Тўй ва оқшом либослари тикши.

Ўқишни тугатганларга **ДИПЛОМ** берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод Бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 21-17-95.

У ОЛТИН БАЛИҚМИДИ?

Менга бу воқеани бўзлик танишим Абдувахоб Убайдуллаев гапириб берганди. Уша кунни тўйнинг маслаҳатини қилиб, амманнинг уйда ўтириб қолдик. Тун яримлаб қолганида, уйга қараб йўлга тушдим. Уйгача уч чақиримча юришим керак эди. Йўлни яқин қилиш учун гўзанинг ўртасидаги ўқарикдан тиккалаб юра бошладим.

Кеча ойдим эди. Канал бўйига чиққанимда, эрталаб ташламанинг сувига гажавга сават қўйганим эсимга тушиб, унга балиқ тушмадимикан, деган хаёл билан кўриб ўтмоқчи бўлдим. Биттагина балиқ тушган экан. Уни олиб тепага кўтарилаётганимда, оёғим сирғалиб кетиб, йиқилдим. Балиқ эса қўлимдан чиқиб, ташламанинг сувига тушди. Ачиниб орқамга ўғирилсам, ташламаннинг суви усти шунақам ёруғ бўлиб кетгандики, хатто кундузгидан ҳам ёруғроқ эди. Ярим соатлардан кейин сув юзаси қоронғулашиб, олдинги ҳолига қайтди. Уйга йўл олаётим, яна саватни кўргим келиб қолди. Қайта сувга тушиб, уни тиккаласам, бир йўла олтига балиқ тушибди. Уларни олиб уйга қайтдим. Балиқлар айниб қолмаслиги учун тоғорага сув қўйиб, уларни солиб қўйдим.

Эрталаб уйқудан уйғониб, балиқларга қарасам, ҳаммаси тирик экан. Аям: "Балиқларни тушликка пишириб бераман, сен синглингни уйига ўтиб кел", деб қолди. Тўғриси, ҳеч у ерга оёғим тортмади.

Синглим қўёви билан хафалашиб қолган экан. Иккисига қозилик қилиш жуда малол келди. Чунки галвали ишга тоқатим йўқ. Шу пайт хаёлимга тунда бўлган воқеа тушиб, "агар олтин балиқ бўлсанг, мушқулмини осон қил", дедим. Кейин ўзимнинг соддалигимдан яйраб қулдим.

Ана шу пайт дарвозадан синглим кириб келди. У қўёви билан ярашибди. Ҳозир у бошқа иш билан келган экан. Кечаси кимдир уларнинг кўчқорини ўғирлаб кетибди. Ўғрининг изидан яқин атрофдаги бозорларга чиқишни маслаҳат қилиб келган экан. "Олтин балиқ бўлсанг, синглимининг кўчқорини топиб бер", дедим. Шу пайт кўча дар-

возаси олдида машина сигнали эшитилди. Тез чиқсам, огайним Абдурахмат экан. У шоша-пиша шундай деди:

- Саҳарда шолпояннинг сувидан хабар олгани чиққандим. Икки киши закан бўйлаб, қўй етаклаб кетишди. Синглингни қўйига ўхшатдим. Сўраб кўричи, кўчқорини ўғирлаб кетишмадимикан?

Машинага ўтириб, қўй ўғирларини қувиб етдик. Бу воқеалар тасодифми ёки мўъжизами тушуна олмадим. Шундан кейин саватимга ҳечам олтига балиқ тушмади. Менга бу ишларга ҳар қалай мўъжиза йўқ эмасдай туюлди. Яна билмадим.

К.НИШОНОВ

СИЙЛАЙ ДЕСАНГ...

- Яқинда туш кўрдим, - дея сўз бошлади суҳбатдошим. - Тўқсон ёшлардан ошган бувим табиб, эл хизматида бўлган ажойиб, меҳрибон инсон эди. Яқинда ҳаётдан ўтди. Уша бувим тушимда тирилиб, қишлоққа келиб, мен билан учрашибдилар. Мен бувимни кўчиб: "Бувижон, сиз вафот этгансиз-ку?" - деб йиғлармишман. Бувим: "Менга эътибор берма. Сен менинг руҳимни сийлай десанг, оятларни ўқи юр. Менинг табибчилик хунариمنى онда-сонда давом эттир. Сенинг қўлинг энгил. Айтганимни бажо этсанг, омадинг бундан ҳам зиёда бўлади. Мен ўзим билан бирга дугонамни шерик қилиб олиб қайтаман. Фақат

сен мени икки нафас қўйиб қўйсанг бас", - дермишлар.

Мен бувимнинг тирилиб келганларидан қувониб, "Ихлос", "Оятил курси", "Кадр" сураларини ўқибман. Сўнг бувим мендан хафа бўлгандек қовқоқларини солиб ёнларига дугоналарини олиб изларига қайтибдилар. Мен эса йиғлаб-йиғлаб ортларидан қараб қолибман. Уйқумдан ҳаяжонланганим турсам, болишларим жикка қўл, ўзим терлаб кетибман.

Уйимизга яқин ҳовлидан "Онам эй", деган товуш эшитилди. Бувим айтган дугоналари 90 ёшли кампир ҳовлисидан овоз чиқарди. Бувни қайтиш қилгандилар. Мен эса бувимнинг айтганларидай, насихатларини давом эттириб, кўпдан кам бўлмаганман.

Эргаш АТОВЕВ

Меҳридарё, гўзал қалбли дугонамиз **Ҳожиёва ДИЛОРА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этамиз.

Бир гурӯх ўртоқлари

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Бу ҳафта таваккал қилмаганингиз маъқул. Яхшиши, кўпроқ вақтингизни ақилларингизга сарфланг, уларга эътиборли бўлинг.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Можаролардан четда бўлишга ҳаракат қилинг. Дўстлар билан мулоқотга, сайру-саёҳатга кўпроқ вақт ажратинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Суоқлигингиз билан муносабатларингизга янгича романтик руҳ олиб киривошни маслаҳат берган бўлардик.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Фаоллик ва режаларни амалга ошириш вақти келди. Куч-ғайратингиз жўшиб турибди. Пулингизни ўнгу сўлга бесапар сарфлашдан эҳтиёт бўлинг.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Имунитетингизни оширишга ҳаракат қилинг, кўпроқ тоза ҳавода бўлинг. Хуллас, асосий эътиборни соғлигингизга қаратинг.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Шахсий ҳаётингиз ва ишингизда кескин ўзгаришлар бўлиши мумкин. Улар яхшиликка бўладими ёки аксинча, ўзингизга боғлиқ.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Етакчилик қобилиятингизни намоён этганда ҳаммасларингизнинг шахсиятига тегиб кетишдан эҳтиёт бўлинг.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Молиявий аҳолинингизга хавф йўқ, фақат таваккал қилиб борингиздан ажраб қолишдан сақланг. Жароҳат олишингиз эҳтимоли бор.

БАШОРАТИ

ЎКОТАР (23.11—21.12). - Тиришқоқлик ва топқирлик билан барча муаммоларингизни ҳал этасиз. Қийналиб қолсангиз, дўстларингиздан кўмак сўранг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01). - Раҳбарият ва ҳамкасбларингиз билан муносабатларни чигаллаштириб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Босиқлик ва чидам сизга омад келтиради.

КОВФА (21.01 — 18.02). - Шўр ва ёғли таомларни камроқ истеъмол қилинг. Улар соғлигингизни издан чиқариши мумкин.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Ишбилармонлар ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирсалар, тез орада каттагина даромад олишлари тайин.



Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan etaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!



Saidaxon AZLAROVA Toshkent shahri, Shayhontohur tumanidagi 316-maktabning 8 "g" sinfida o'qiydi. "Tong yulduzi" gazetasi qoshidagi "Yosh qalamkashlar" to'garagi a'zosi. She'rlari bolalar gazetalarida chop etilgan. "Qushchaga aytganlarim" va "Qalbimda hamisha o't bo'l, she'riyat" nomli to'plamlari nashrdan chiqqan. Maqsadi Zulfiyaxonimdek mashhur shoira bo'lish.

VATAN MADHI

Ko'z ochib ko'rganim, ona Vatanim,
Men seni sevaman jonimdan ortiq.
Sening tinch go'shangda tinchdir har damim,
Ayt, neni poyingga etayin tortiq?!

Tuprog'ing azizdir har bitta jonga,
Ulg'aygach men buni his qildim ko'proq.
O'zing shohiddirsan pok vijdonimga,
Xatto kesagingga tupurmoq gunoh.

Ko'changda qvnashib yurgan bolalar,
G'amning neligin ham sezmayin o'sar.
Shohlari egilib turgan daraxtlar,
Jannat mevalarin ularga tutar.

Yurt uchun kurashgan pahlavonlardan
Vatanning neligin so'rang, odamlar.
Nechun shohsupada yig'laydi ular,
O, Vatan! Shunchalar azizmisn sen?!

Shu bugun nasibam qo'shilgan joyda,
Men madad so'rayman ajodlarimdan.
Meni qo'llab turing, Uvaysiy momo!
Siz ham qo'llang meni, Alisher bobo!

Ko'zlari o'ziday boqqan mehribon,
Sizing visolingiz men uchun armon.
Ruhingiz shod bo'lsin, Zulfiya ona,
Bizni duo qiling arshi a'lodan.

Men kabi yuragi o'tli yoshlarning,
Niyatin ro'yobga chiqargan bugun,
Millatim otasi, Vatanim fahri,
Men Islom otamga eturman ta'zim!

Ilk o'qitgan ustozim,
Unutmayman hech qachon.
Ilk qo'ng'iroq ovozi,
Ketmaydi qulog'imdan.

Shu ustozlar mehridan,
She'r, bo'loldi so'zlarim.
Shu ustozlar sehidan,
Yangrar bu kun ovozim.

Orzularim bir jahon,
Bo'yimdan ham balandroq.
Jurnalistik kasbiga
Mehrim mening bo'lakroq.

Duo qiling, onajon,
Bolam baxtga yetsin deb.
Duo qiling, otajon,
Niyatiga yetsin deb.



Shahzod VOHIDJONOV
Toshkent shahar, Yunusobod tumani, «Ittifoq» mahallasi, 288-maktabning 5 «A» sinf o'quvchisi.



Dilshod TURG'UNOV
Toshkent shahar, Yunusobod tumani, «Ittifoq» mahallasi, 288-maktabning 5 «A» sinf o'quvchisi.




Yusuf RASULOV
Toshkent shahar, Yunusobod tumani, «Ittifoq» mahallasi, 288-maktabning 5 «A» sinf o'quvchisi.



НИМА? НЕТА? НИМА УЧУН?

КУЁШ СИСТЕМАСИ НИМА?


Куёш системаси деганда Куёш билан битта орбитада жойлашган ва унга боғлиқ бўлган сайёралар тўпламига айтади. Мазкур системани ташкил этувчи сайёралар сони 9 та ва уларни Куёшдан қандай масофада жойлашганига қараб, **яқин сайёралар** ва **олис сайёралар** деб аташади. Бу сайёралар қуйдагилардир:



Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон. Ушбу 9 та сайёра доимий равишда ўз ўқи атрофида ва Куёш атрофида айланиб туришади. Куёш гравитацион тортишиш кучига эга бўлиб, бу нарса сайёраларнинг ўз орбитасидан чиқиб кетмаслигини таъминлайди. Айрим сайёралар ўз йўлдошларига ҳам эга. Йўлдошлар сайёра ҳамда у билан бирга Куёш атрофида айланиб юради. Масалан, Ернинг йўлдоши ҳисобланган Ой мунтазам равишда Ер атрофида айланади. Шу билан бирга у худди Ер каби Куёш атрофида ҳам айланиб туради.

КУЁШНИНГ ХАРОРАТИ ҚАНДАЙ?

Куёшни ҳеч иккиланмай ўзидан ёруғлик ва иссиқлик чиқариб турган оловли шар деб аташ мумкин. Унинг радиуси 696 000 километр бўлиб, Ер радиусидан 109 марта катта. Ўз навбатида ҳажми ҳам бизнинг сайёрамыздан 1300000 марта,



оғирлиги эса Ернинг оғирлигидан 333000 марта каттарок.

Куёшни тадқиқ этиш чоғида астроном олимлар қуйдаги жиҳатларга эътибор қаратишади: **ядро** - Куёшнинг ички қисми, **фотосфера** - ташқи қисм ва ниҳоят **хромосфера** - фотосферани ўраб турган қобик. Хромосфера ортида Куёшнинг энг кам нур таратадиган қисми жойлашган. Куёшнинг ички қисмини бевосита кузатишнинг мутлақо иложи йўқ, аммо олимлар мураккаб таҳлиллар ёрдамида унинг ичида ҳаво ҳарорати 15 миллион даража иссиққа тенг бўлиши мумкин, деган хулосага келишган. Фотосферада ҳарорат +6000, Куёш ташқарисид эса +100 минг даражани ташкил этади.

КУЁШ НИМАДАН ТАШКИЛ ТОПГАН?


Куёш ҳам худди бошқа юлдузлар сингари асосан водород ва гелийдан ташкил топган. Водород ёқилғи бўлиб, у ёниш натижасида гелийга айланади.



Шунингдек, бу икки газдан ташқари Куёшда худди Ердаги тоғ жинсларига ўхшаш кўплаб элементлар ҳам мавжуд. Аммо Куёшнинг ҳарорати жуда баланд бўлгани боис улар қаттиқ эмас, балки газ шаклидадир.

КУЁШ ҚАНДАЙ ХАРАКАТЛанаДИ?

Борлиқдаги барча юлдуз ва сайёралар доимий ҳаракатда бўлиб туради. Жумладан, Куёш ҳам бошқа осмон jismlari билан бирга ҳаракатланади. У ўзи мансуб бўлган галактика(Сомон йўли)-нинг маркази атрофида айланади. Шунингдек, Куёш ҳар 25 кунда бир марта ўз ўқи атрофида ҳам айланиб чиқади. Одатда, биз ердан туриб Куёшни кузатганимизда худди у ҳар куни битта




йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётгандек тасаввур уйғотади. Аммо аслида Ер ва бошқа сайёралар ўз ўқлари ва Куёш атрофида айланиб юришади.

ВЕНЕРА(ЗУХРА) САЙЁРАСИ

ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Венера Куёшга яқин жойлашган иккинчи сайёра бўлиб, унинг ҳарорати +460 даражага тенг. Уни ўраб турадиган булутлар таркибиде ўткир хидли модда - олтингугурт кислотаси мавжуд. Венера ҳам Куёш атрофида айланади. Фақат у Ердан тескари йўналишда ҳаракатланади. Шу билан бирга мазкур сайёрани кечкурун ва эрта тонгда оддий кўз билан ҳам бемалол кўриш мумкин. Аиникса эрталаб ёрқин нур сочгани боис уни халқда "тонг юлдузи" деб ҳам аташади.

"Космик зонд" деб аталадиган аппаратлар ёрдамида Венера сайёрасининг сиртида текислик ва иккита тоғ тизма-



си ҳамда улкан кратерли вулкнлар, қотиб қолган лава(вулкндан отилиб чиқадиган суоқлик) борлиги аниқланган. Ердан Венеранинг фақат бир томонигина кўринад холос.

ДАРМОН тайёрлади.

Дугоналарим севги, муҳаббат тўғрисида гапиришса ёки бирортасини севиб қолганини айтса, кулар эдим, ишонмасдим уларнинг "ўлдим-куйдим"ларига. Талабалик йилларим лекция тинглаш, курс иши ва реферат ёзиш, назарий ва амалий ишларни бажариш билан ўтди. Уртоқларим "Раёно, бунча китобга термилмасанг, ҳаётда бундан ҳам қизиқ "масала-мисоллар" бор", деб қулишарди. Менинг юрагим эса бўш, уни бировнинг муҳаббати эгаллаши ҳаёлимга келмасди. Ҳўшини битириб уйга қайтгач, қўшни қишлоқлик Бобир исмли йигитдан совчи келиб, уйдагилар: "Ўқишни бу йил битириб келибди, сенга мос, ўқимишли экан", деб унаштириб қўйишганида ҳам унчалик ҳаяжонланмагандим.

Аммо тўйдан кейин ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Қалбимни мен тушу-

кута бошладим... Аммо бир ҳафта, икки ҳафта, уч, тўрт ҳафта ўтди ҳамки, Бобир акам қайтмади. Бир ярим ой ўтгандан сўнг юрагим остида яна бир юрак ураётганини ҳис қилдим...

Ғам-андуҳларга тўла тўққиз ой ҳам ўтди. Йигилар, ўртаниш, соғинчлар билан ўтган кунларимга таскин берувчи фарзандим дунёга келди. Унга қайнотам Умид деб исм қўйди. Умид... Ҳама кунлар мана шу туйғу ҳар биримизнинг юрагимиздан жой олган эди...

Орадан бир йил ўтди. Ундан кейин икки, учинчи йил келди... Одамлар аза очки кераклигини кўп бора айтишди. Бироқ аза очишга ҳеч ким журъат қилолмасди. Қайнота-қайнонам мени ота-онамникига қайтармоқчи бўлишди, қайтмадим. Кетсам Бобир акам келиб қоладигандек туюларди... Ҳаётнинг асл маъноси, яшашнинг мақсади нима эканлигини англагандан 26 кунлик муҳаббат-

уочун иккинчи бор оила қуриш жуда оғир бўлса-да, боши очик юришдан кўра, шу йўлни танлашга мажбур бўлдим.

Ёз кунларининг бирида Шўхрат акамнинг ота-онаси - қайнота-қайнонамникига бордик. Тоғли қишлоқда туришар экан. Ота-онасини унаштирилганимизда, Тошкентда бир марта кўргандим, холос. Оиласидагилари мени ҳам, ўғлимни ҳам яхши қабул қилишди. Шўхрат акам бизни еру кўкка ишонмас, хурсандчилигини яширолмасди ҳам.

"Бир кун ховлидаги сўрида ўтирган эдик. Овсинининг кичик ўғли мингирлаб айтаётган қўшиқ эътиборимни торта бошлади. Жуда таниш жумлалар: **Кезар бўлсам агар ёруғ жаҳонни, Менинг учун сендек жонотопилмас, Сўрар бўлсанг агар яхши-ёмонни, Сенинг учун мендек ёмон топилмас...**

Юрагим ҳарпикиб кетди. Яхшилаб кулоқ солдим. Йўқ, адашим мумкин эмас. Бу ўша, Бобир акам асал ойининг илк кунлари менга атаб ёзган шеъри... Бу шеър бизники, уни биров билиши мумкин эмас эди!

Сапчли ўрнимдан турдим, унинг ёни-

Умиджонга қараб, бир муддат тикилиб қолди-да, яна ўз ишига машғул бўлиб кетди... Титраб кетдим. Бобир акам мени танимади. Нимагадир нимчам билан ҳомиладорлигимни яширишга уриндим... Ортимдан етиб келган Шўхрат акам бир менга, бир Бобир акамга, бир Умиджонга қарарди. Кейин яна бошқатдан ўғлимга ва Бобир акамга қайта-қайта қаради-да, бошини "тушунарли" дегандек, қимирлатиб қўйди. Умиджон қуйиб қўйгандек дадасига ўхшар эди.

Кутилмаган бу воқеадан хайратда эдик. Кейин Шўхрат акам ҳаммасини яхшилаб суриштириб билди. Бундан бир неча йиллар олдин қишлоқнинг бир чўпони тоғдаги доvon йўл яқинидаги сойдан қонга беланган, хушсиз бир йигитни топил олади. Ўзига келгач, исмини ҳам билмайдиган, ҳеч нарсани эслолмайдиган, телбанамо йигитнинг ким эканлигини аниқлашнинг иложи бўлмади. Шифокорлар уни машина уриб юборган, деган хулосага келишган экан. Демак, ўша кун ишдан қайтаётганда, йўлда уни машина уриб кетган. Кейин ҳайдов-

ИХТИЁРСИЗ БАХТИЁРМАН...

ни етишга ожизлик қиладиган ҳис-туйғулар қамраб олди. Бир-биримизни астойдил севиб қолдик! Бахтли кунларимиз, муҳаббатли лаҳзаларимиз эртақона эди. Бобир акам менга парвона, мен унга ошқора ошиқ бўлиб қолдим. Дунёда муҳаббат деган ширин ҳис борлигидан ич-ичимдан севинар, Бобир акамга термилиб тўймасдим, ишқим мўъжазгина юрагимга сифмасди. Шириндан-ширин кунларимиз бошланди. Чинакам бахтиёр эр-хотинга айландик...

Тўйимиздан бир ҳафта ўтиб, Бобир акам туман марказидаги банкларнинг бирида ишлаш бошлади. Ҳар кун кеч кириб, унинг келишини интиқиб кутардим. Биз учун иш соатлари ҳижрон онларига айланарди. Ишдан келганда бир неча ой кўришмагандек дийдорлашардик... Дастурхон бошида ҳам, ховлида иш қилиб юрганамизда ҳам, ҳатто қайнонам билан ўтирганамизда ҳам менга сирли ва ўтли қарар, имо-ишоралар қилиб, мени уялтирар эди... Бу муҳаббат эди. Мен шу ёшимгача вужудимда, юрагимда шундай туйғу борлигини билмай яшаганимга ҳайрон бўлардим, баъзан.

Асал ойимизнинг ҳаяжонли дақиқаларга бой йигирма олти кун ўтди... Йигирма еттинчи кун Бобир акам одатдагидек: "Ишга кетдим", - деб чиқиб кетди. Кундалик юмушларни бажариб, кеч бўлишини кута бошладим. Кеч ҳам кирди. Бобир акам нимагадир ҳар кунги келадиган вақтидан кечикарди. "Келиб қолар" деб, ўзимни чалғитишга ҳаракат қилдим. Вақт алламаҳал бўлди ҳамки, ундан дарак йўқ. Юрагим гашлана бошлади. Энди қайнота-ю қайнонам, уқалари ҳам хавотирга тушишди. Чунки унинг кеч келадиган одати йўқ эди. Тонггача ҳеч қайсимиз ухламадик. Эрталаб укаси ишончасига бориб келди. "Кеча тушдан сўнг ишдан чиқиб кетувди", - дейишди. Ҳамма ҳар тарафга юрган, танишлару ўртоқларидан суриштиришга тушиб кетишди. Узокдаги қариндошларникига ҳам бориб келишди. Ҳеч ким ҳеч нарсга билмади. Уйимизда оғир сукунат, ҳаммамиз Бобир акамнинг сирли йўқолишидан оғир ғамда қолгандик. Мен эса уйга кириб, Бобир акамнинг кийимларини бағримга босиб, юм-юм йиғламан. Эшикдан ким кириб келса, уятни ҳам йиғиштириб, югуриб чиқаман, умид билан термулман. Уйдагилар милиция, касалхона, ҳаттоки... ҳаттоки ўликхонага ҳам бориб келишди. Йўқ! Бирор нарсадан гумон қилишга асос ҳам йўқ эди. Кутилмаган бу оғир зарбадан эсанқираб қолган бир мен эмасдим. Қайнонам... Бечора... Бир ҳафтада қариб қолди. Қайнотамнинг сочлари оқариб кетди. Суриштирувлар, ички ишлар ходимларининг ҳаракатлари ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Мен эса ҳаёлимдан ёмон уйларни нари кетказиб, умид билан

тим учун тўрт йиллик хижронга бардош беришга қудратим етди ва бундан кейин ҳам етарди, аммо тўрт йил ўтгач, қайнонам ўглига аза очишга қарор қилди. Ҳама кун мен Бобир акамни худди ҳозир йўқотгандек ахволга тушдим. Ховлида уввос солиб, тўрт йиллик дарду ҳасратимни тўкиб, қонқон йиғладим.

Кейин қайнота-қайнонам шунча йил кутганим, сабр-тоқатим, садоқатимдан миннатдор бўлиб, ўзим учун ҳам яшашим кераклигини, мендан рози эканликларини айтишди. Менга бир оғиз ҳам қаттиқ гапирмаган, ўз қизларидек меҳрибончилик кўрсатган инсонлардан, яқинларимдан ажралиш—эримни йўқотганимдек оғир эди. Начора, мен ҳам бир қарорга келдим. Мени бахт билан кутиб олган остонадан кўзимда ёш, қалбимда катта қайғу билан чиқиб кетдим.

Ота-онамнинг уйда бирор ой тургач, Тошкентга — ўзим ўқиган университетга бориб, ишга жойлашдим. Инсон ҳамма нарсасига чидар экан. Вақт энг яхши даво, дейишди-ку?! Аспирантурага ўқишга кирдим. Бор аламимни ўқишдан, ишдан олдим. Илмий ишга шўнғиб кетдим. Ёнимда доим Бобир акамни эслатиб турувчи, муҳаббатим ёдгори - ўғлим Умидим бор эди.

Тошкентга келганимнинг иккинчи йили ўзим билан бирга ишлайдиган Шўхрат исмли йигит ҳеч ҳоли-жонимга қўймай, турмушга чиқшимни сўрай бошлади. Хотини билан яқин қариндош бўлганлиги сабабли, кўнглисиз бўлиб, ажралишган экан. Домларим, ота-онам ўртага тушгач, асли тожикистонлик бўлгани билан миллати ўзбек, яшаш жойлари бизнинг туманга яқин бўлгани учун ҳам бу йигит билан турмуш қуришга розилик бердим. Оила қурдик. Шўхрат акам Умиджонга жуда меҳрибон бўлгани учун мен ҳам унинг ҳурматини жойига қўярдим. Мен



чи уни тоғ йўлига олиб келиб ташлаган. Бу менинг тахминим эди, холос. Хуллас, суриштирувлар бесамар кетгач, чўпон уни ўзига шерик қилиб олади. Ўтган йили, чол вафот этгач, йигитни бир бой киши ўзига мол боқувчи қилиб, олиб, қишлоққа олиб келган экан. Бу ерда уни "Йўлчи девона" деб аташаркан... Унинг қимлигини суриштириб ҳеч кимни қизиқтирмай қўйган шекилли, у шу қишлоқнинг бир аъзосига айланган, кимда нима юмуш бўлса қилиб кетавераркан. Аммо доим бир қўшиқни айтгани-айтган экан...

Мен қараёт эдим. Ҳаётнинг оғир зарбаси бошимга тушган эди. Нима қилишни билмасдим. Шунда Шўхрат акам уйдагиларига хабар беришимиз зарурлигини айтди. "Олиб кетамиз" десак, қишлоқ оқсоқоллари: "ота-онаси, яқинлари келишини, йўлда ҳар нарсга бўлиши мумкин", деб унашмади. Йўлга етландик. Биз минган энгил машина қишлоқ кўчасини чангитиб ўта бошлади. Шу пайт, қўлида таёғини елкасига олиб олган Бобир акамга кўзим тушиб, Эҳтимол ўзимизнинг қўшиғимизни қуйлаётгандир... У сокин, ерга термилганча,

га келиб: "Бу қўшиқни қайдан биласиз?" - деб сўрадим. У менга ҳайрон бўлиб қаради-да: "Йўлчи девонанинг ашуласику бу", - деди. "Ким у, Йўлчи девона?" - дедим юрагим гурсиллаб. "Кўшимиз...". Мен ундан ўша девонани кўрсатишини сўрадим. Бобир акамнинг қўлидан тутиб битта уя наридаги ховлига бошлаб борди. Ховлининг бир четида, иссик бўлса-да, чопон кийиб олган бир киши тиззалаб ўтириб олганча, қўлидаги новдаларни пичоқ билан йўнар эди. Тепасига бориб, туриб қолганимни сезмайдям. Секин салом бердим. Рўпарамдаги киши бошим кўтарди. Туш кўраётгандек эдим... Қаршимда озиб, қорайиб, кўзлари ич-ичига тортиб кетган, бетартиб кийинган... Бобир акам турарди!!! Кафтим билан оғзимни беркитганча, чўқкалаб қолдим. Бобир акам эса менга умуман бефарқ, маъносиз тикилди. Шу пайт орқамдан эргашиб келган

лабларини қимирлатганча бир нималар деб борарди. Ўпкам тўлиб, ичимдан тошиб келаётган йигитни тўхтатолмадим. Ҳаётимнинг мазмуни, қалбимдаги энг буюк меҳр эгаси энди менга беғона, ёт эди. Ортимга қараганда Бобир акам бизнинг машинамиз чангидан кўринмай ҳам қолганди...

Кунлар, ойлар ўтапти. Шўхрат акам билан яхши яшапмиш. Бироқ юрагимда маъёс бир ҳис... Ҳар кун, ҳар сония қулоғим остида Бобир акамнинг шивирлаб айтган шеърлари жаранглайверди: **Буюк ишқ шаҳридан ҳайдалган зорман, Кўзим уйкудаю нечун бедорман. Эй ёр, кўксинг аро кўқарган зорман, Менга ихтиёр бер, беихтиёрим...**

Раёнонинг сўзларини оққа кўчирувчи Хулқар ХОТАМБОВЕВА

МАЛЛИФ СЎЗИ: Яқинда бир дорихонага борганимда бу ерда ишловчи аёлнинг дил изҳорини эшитиб, ёзмай тура олмадим. Унинг илтмосига кўра исмларни ўзгартирдим.

Қишлоқ чеккасидаги зовурдан эркак кишининг жасади топилибди, деган гапни эшитди, кўнглимга гулгула тушди. - Аллоҳим, ишқилиб эрим бўлмасин, ўзинг уни паноҳингда асра! Кўлга тушса, ўлдираман, деган душманларига ўзинг инсоф бер, - деб

лан тўй бўлганди. Хамма бизга ҳавас қиларди. Аммо хўжайинимнинг кўзларида аллақандай мўнғ бордек туюлаверарди. Маълум бўлишича, Зиёвуддин акам ўқиб юрган кезлари бир профессорнинг қизи билан севишиб, аҳду паймон қилган эканлар. Су-

нада етиштирган помидорларни эрта тонгда бозорга олиб бориб кўтарасига ташлаб келиб, дарсимга ҳам улгурардим. Зиёвуддин акамнинг кўнглига йўл топаман, деб қанчалар ҳаракат қилмай, унга доимо ўзга аёллар "қиз" бўлиб кўриनावарарди. Ўздан икки баробар ёш қиз билан яшаб, қизлик бўлганида фарзандларим бош кўтара олмай қолишди. Қамалиб кетмаслик учун ўша қиз билан "дом"да яшай бошлашди. Менинг кўнглим музлаб

ди-ю, аҳволимга қараб, аста сўз бошлади. - Ойижон, адамни излаб нима қиласиз? Нега кераклар ўзи сизга? Ўз қолларига қўйинг, билганларини, қилсинлар, ўзлари хоҳлаганча яшасинлар. "Ўша"ни ташлаб кетибди, деганига ишониб ўтирибсизми? Билиб қўйинг, отам келсалар; мен кетаман. Мени бош кўтариб юрадиган қилмадилар. Хамма менга ола кўз билан қарайди. Оғайниларига, улфатларига, маҳалладагиларга: "Ўғлим Қозоғистонга қатнаб, 50 миллионга тушириб қўйди. Шунинг учун участкани сотаяпман; ўғлимни олиб қолишим керак-ку, ота бўлиб", - дебдилар. Қачон мен 50 миллионга

Шунчалар ҳам хотинбоз бўлиш мумкинми? Ахир, одам нима учун яшайди, бола-чака орттиради? Қариганимда кунимга ярармикан, меҳр-муҳаббат кўрсатиб, боқармикан демайдими, ахир? Ўзлари бизга кўрсатмаган меҳрни биздан кутмай қўя қолсинлар? Яна қидирувга бераман, деганингиз ортиқча? Бизларга шунча шармандалик каммиди? Энди "Қидириляпти", деб расмларини хамма жойда эълон қилишлари қолувди? Хавотир олманг, юргандир "ўша" билан айшини суриб. - Ундай дема, қизим. Сизлар катта бўлиб қолдинглар. Ақлингиз ҳар нарсага етди. Кичкина укангни қарагин, шу кунларда отасини соғиниб,

ЁМОН БЎЛСА ХАМ,

ОМОН БЎЛСИН...

нола қилдим, "Саид мелиса" - никига зумда етиб бордим. - Кенноий, шахсини аниқлаб бўлмаяпти, аввал кийнаб ўлдириб, кейин ёқиб юборишган, таниб бўлмайдими. Яхши ният қилинг, балким у эмасдир...

риштириб келишса, қайнотам руҳий касал, турар жойи ҳам унчалик эмаслигини кўриб, айниб кетишган экан. Шунинг учун у қиз турмушга чиқиб кетмасунча уйланмай, йилларни ўтказган эканлар. Мен-ку, қайнотамни яхши биламан, мен ишга келган мактабнинг директори эдилар. Қишлоқда уларни катта-кичик жуда ҳурмат қиларди. Ақлли, диёнатли, меҳнатқаш, ажойиб инсон эдилар. У вақтларда дарсликлар кам бўларди. Қайнотам раҳматлик бошланғич синфларга дарслик ёзиб, Москвага кетган эдилар. У вақтларда дарсликларни ҳам Москва тасдиқларди. Хуллас, у ердан руҳий касал бўлиб қайтгандилар.



тушдим? Нега менга тўхмат қиладилар? Ўзларига: "Нега ундай дедингиз?" - десам, "Туғилганимдан шу пайтгача ундан ҳам кўп сарфлаганман", - дейдилар. Хамма отамнинг шу аҳволга тушишига мен сабабчидек ёмон кўз билан қарашаяпти, ахир?! Баъзилар: "Э, сатқай ўғил кет!" - дегандек юзларини терс ўгиришади. Нега менинг келажагимни ўйламадилар? Менинг айбим нима? - дея йиғларди ўғлим.

галати бўлиб юрибди. Унга қандай бўлмасин, отаси керак, баалоғат ёшида асаблари нозик бўлиб қолади. Яхшимми ёмонми отанг-ку, ахир! Ота-сизликнинг қандайлигини мендан сўра. Эшитиб қўйинглар, кичкинлар сиздан ўрناк олади. Отангизни беҳурмат қилманлар. Хамма ҳам янглишади. Керак бўлса, "боглаб" боқасизлар, - дедим.

Холсизгина уйга қайтдим-у, қўшнимни кундошимникига ўғлимни амакисиникига юбордим. Тўрт ойдан буён қорасини кўрсатмаётган хўжайиним ота ховлисига ҳам келмай қўйганди. Қўшним хўжайиним кундошим билан яшаб турган "дом"ини ҳам сотиб, Дилдоран ҳам иккита фарзанди билан ора йўлга, уйсиз-жойсиз ташлаб кетганини айтиб келди.

Мен хўжайинимнинг кўнглига, кўзига қараб, 23 йил бирга яшадим. Икки ўғил, икки қизлик бўлди. Турмуш ташвишлари-ю, қувончлари-ни баҳам кўрдик. Фарзандларимиз вояга етгани сайин уларнинг ўқиши, тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасин, гап кўпаймасин, болаларимнинг боши ҳам бўлмасин, деб отасининг қилмишларига тилимни тишлардим.

Уғлимга кўшилишиб мен ҳам йиғладим. Нима деб кўнглини кўтарай? - Тунов кун шёърларини топиб олгандим, - дейди кўз ёшини артиб қизим. - Хаммаси ўлдим-қуйдим, сарвқомат, лаъли лаб, найза киприк, қора қошу, қора хол... Эллика чикқан деб ким айтади, отамни? Бирорта шёърлари йўқки, ота-она, Ватан, фарзанд ҳақида бўлса?.. Улар учун биз гўё йўқдекмиз... Шёърларини бирма-бир анҳорга оқиздим-у, кўзимдан оққан ёшларимни тўхтата олмадим. Шунчалар ҳам ҳаётга энгил қараш мумкинми?

Шу пайтда маслаҳат берадиган буйвим ҳам ўтиб кетганига қуйиндим. Улар айтганларидай қаноатли, сабрли бўлдим. Аммо ҳозир сабрим ҳам тугаб, чорасизман. Нима қилсам экан? Қидирувга берсаммикан ёки йўқ?

Уғлим амакисиникидан бирор янгилик олиб келар, деб илҳақ бўлиб кутганим ҳам зое кетди. Тобим бўлмай ётиб қолдим. Умрим кино тасмасидай бир-бир кўз олдимдан ўтаверди.

Мен хўжайинимнинг кўнглига, кўзига қараб, 23 йил бирга яшадим. Икки ўғил, икки қизлик бўлди. Турмуш ташвишлари-ю, қувончлари-ни баҳам кўрдик. Фарзандларимиз вояга етгани сайин уларнинг ўқиши, тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасин, гап кўпаймасин, болаларимнинг боши ҳам бўлмасин, деб отасининг қилмишларига тилимни тишлардим.

Фақат фарзандларимнинг келажагини ўйлаб, бизни боқиб турган дорихонадан ҳам бенасиб қилмасин, деб гаплашардим, холос. Аммо кўчадан фоизга олган қарзларини тўлашни ўйламаслигига ақлим ҳайрон эди... Уғлим салом бериб кириб кел-

Бир томондан хавотир олаётган бўлсам, иккинчи томондан фарзандларимнинг йиғлаб айтган гапларини ўйлаб, ўзи келиб қолармикан дейман. Йўқ, йўқ, бирга яшаш, кеңириш ҳаёлимда ҳам йўқ. Аммо негадир кўнглим гаш. Наҳотки, бир оғиз оғоҳлантириш, соғ-саломатман, фалон жойдаман, дейиш шунчалар қийин бўлса?

...Мактабда тил-адабиётдан дарс берардим. Зиёвуддин акам дорихонага мудир бўлиб ишга келганди. Қишлоқда унга ҳавас қилмаган қизнинг ўзи йўқ эди. Бўйлари баланд, мулоим йиғит эди у. Дунёқарашини, адабиёт ва санъатга ошғ, гоътада гўзал фазаллар битарди. Ота-онам ёшлигимда автоҳалокатга учраб, ўтиб кетишган. Укам билан мени буйвим тарбия қилгандилар. Буйвим билан Зиёвуддин акамларнинг буйвилари яқин дўгона бўлиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари, ота-оналарининг ризиқи би-

Майли, қаерда бўлса ҳам, соғ бўлса бўлгани. Ёмон бўлса ҳам, омон бўлсин.

Адиқанинг дил изҳорини оқиб қирувчи
Манзура САФАРОВА,
Зангиота тумани.



ОШИЁНИГА БЕГОНА...

Турмуш чорраҳаларида

Нозима ишдан ҳориб чиқди. Истар-истамас деҳқон бозорига бурилди. "Бирор кило олма оловлай", ҳаёлидан ўтказди. Кеча онаси роса уришганди. Нима эмиш, болалари меҳмонларга олиб қўйилган олмаларни еб қўйишибди. Бор гап шу. ...У турмуш ўртоғи билан ажрашганига икки йил бўлди. Лекин бу йиллар унинг учун икки асрдек чўзилди гўё. Мусичанинг ҳам уйи бўзилмасин экан.


Мана, Нозима ҳам ўз уйига бегона бўлиб қолди-ку. Бир ёқда уч нафар боланинг галваси. Бир тарафда ота-онасининг арз-доди. Бир пайт сигаретфуруш аёллар ёнида туриб, гап сотаётган собиқ эрига кўзи тушди. Ўзи шундоғам кўксига тутаб ётган алами "лов" этиб ёнди-ю, ўзини бошқаролмай қолди. Чапдастлик билан эри томон борди-да, ёқасига чанг солди. - Номард, виждонсиз! - Нозима гижиниб уни каттиқ силкитиб ташлади. - Мени-ку бахтсиз қилдинг, болаларингдан хабар олсанг ўласанми?! Қодир бир лаҳзада бўлиб ўтган ғайритаъбий ҳолатдан эсанқираб қолди. Лекин ўзини тез идора қилди. Нозиманинг икки билагидан маҳкам қисганича силтаб юборди. Сўнг одамлар кўзидан тезда гоёиб бўлди. Нозима кўпчилик ичида мулзам бўлиб қолаверди. Назарида бутун борлик унга қўлини бигиз қилаётгандай бўлди. Гўё уни ақл тарк этган, ҳозир у ўйлашга қодир эмасди. Шу алфозда у мева олишни ҳам эси-

дан чиқарди. Уйига бир аҳволда кириб борди. Онаси яна, ҳар доимгидек гапни милтиқ қилиб турган экан. "Келдингми?" дейиш йўқ. Ҳамиша: "Болаларинг, болаларинг, бо-ла-ла-ринг..." Нозиманинг бутун кўксини тўлдириб биргина нидо отилиб чиқди: "Дод!" ...Нозима туни билан киприк қокмади. "Умидли дунё, - ўйлади у. - Вақти келиб ҳаммаси изга тушиб кетади"... ...Қайсингиллари янги келинлигидан бошлаб Нозиманинг номини хунук қила бошлашган, бўҳтон балчиғи билан бўлашган. Унинг эса адолатсизлик қаршисида руҳи оҳимлик қилди. Рухиятда тетиклик, бардам қайғират бўлсагина одам қаддини тик тутиб яшар экан. У дардманд бўлиб қолди. Касалланд келин кимга керак? "Онангиз сизни нозик ниҳол қилиб боққан экан-да", деб унга қайнонаси кун бермай қўйди. Охир-оқибат етган ери ўз уйи бўлди-ю, бироқ бу ерга ҳам сиғмайдиган бўлиб қолди. Эри эса шиппакини отиб юборгандек уни ташлаб кетди. На бола-чақасидан хабар олди, на

ўздан. Ҳеч қанча вақт ўтмай, "Қодир уйланибди", деган хабарни эшитди. Кейинроқ "Қодир ажрашиб, яна бошқасига уйланибди", деган янгиликлардан эси оғиб қолай деди Нозиманинг. Нозима бари бир тақдирдан норози бўлмади. Бошига келгани кўзи қўриб яшайверди. Бироқ эрини, унинг оила-сидағиларни ёт деса, ўз ота-онаси кўрсатаётган қароматлардан боши қотди. Бу ҳам майли, энг таажжубланарли томони - онаси кунора Нозиманинг дашном беради. Болаларининг шўхлигидан, беодоблигидан шикоят қилади, тирикчиликка керакли бачча харидлар аллақачон Нозиманинг гарданига юкланган. - Тинчликми? - сўради онасидан. - Ҳа, Қодир келди... Тавбасига таяниб келибди, - деди онаси намозга тараддулланиб. - Эртага тайёр бўлиб тураркансан, келиб олиб кетаркан. Энди ўзингни тарозига солмагин-да, эртага йиғиштириниб тур. Нозима гапни бўлмай онасининг оғзига қараб ўтирди. У эрдан қанчалар ранжиган, озор чеккан бўлмасин, ҳозир уни бошқа масала ўйлантирар эди: "Бу хонадонда қолгандан кўра..." ...Нозима эртага узокда нури бир нуқтадай порлаб турган толеъга интилади.

Нигора САЙДАЛИЕВА

ШИФОБАХШ САБЗАВОТЛАР



ҚИЗИЛ ЛАВЛАГИ СОҒЛИК ГАРОВИ

Қизил лавлаги кеч куздан то баҳор-гача, яъни янги лавлаги етилгунча ўзидаги дармондориларни сақлай олади. Унинг шарбати билан камқонлик ва жигддон қайнашини ҳам даволашган. Мунтазам истеъмол қилинса қон айланиш тизими фаолиятини ҳам яхшилайди.

Қизил лавлагининг барглари ва илдири ҳам даво бўлиб, таркибида қанд, олма ва шовул кислоталари; С1, В1, В2, РР, йод, темир, натрий, калий, мис бор. Шунингдек, қизил лавлаги овқат ҳазм қилиш фаолиятини ҳам яхшилайди. Семизлик, бавосил, жигар, буйрак касалликлари ва қон босими ошганда шифокорлар қизил лавлагидан кўпроқ истеъмол қилишни маслаҳат берадилар.

Агар уни сабзи ва турп билан аралаштириб ейилса қондаги гемоглобинни оширади. Таркибида йод кўп бўлгани боис, миядаги қон айланишини яхшилаш ва хотира сусайишининг олдини олиш учун кекса кишиларга кўпроқ тавсия этилади.

Қонда гемоглобин миқдори каммайганда ва камқонликда ҳам қўшимча даво сифатида қуйидагича фойдаланилади:

3/4 стакандан лавлаги, сабзи ва шолғом шарбатини аралаштириб, сирли идишга қўйинг-да, духовкада паст оловда уч соат қуялтиринг. Сўнг олиб, шиша идишга солиб, оғзини маҳкам берки-тиб, музлаткичга қўйинг. Бу аралашмани ҳар куни уч маҳал овқатдан олдин ичинг. Даволаш муддати 10-14 кун.

Сурункали қабзият ва ичак фаолияти ёмонлашганда: ҳар куни эрталаб оч қоринга лавлагидан тайёрланган салат енг. Буни тайёрлаш жуда осон. Унча катта бўлмаган лавлагини пишириб, йирик қирғичдан чиқаринг-да, устига икки ош қошиқ бирорта ўсимлик ёғидан қуйсангиз бас, салат тайёр бўлади.

Оёқ ва қўллар шишганда: Шишган жойларга тозалаб, қирғичдан чиқарилган лавлаги ва картошка бўтқасини тенг миқдорда аралаштириб босинг. Бу муолажани ахволингиз яхшилангунча қадар давом эттиринг.

Холсизликда: Бир дона йирик лавлагини қирғичдан чиқариб, шиша бан-

кага солинг. Устидан тўлгунча ароқ қўйинг. Бу аралашма 12 кун илик жойда туриши керак. Сўнг сузиб олгач, шарбатини овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичинг. Даволаш муддати 1-2 ҳафта.

Оёқдаги тож (вена) томирлар кенгайганда: Бугланган оёқларингизни қичитки ўт билан уриб қизартиринг. Ярим соатдан кейин бўртиб чиққан томирларингиз устига асал суринг-да, қизил лавлагининг янги баргларини қўйиб, бинт билан боғланг. Бу муолажани ҳар куни тунда бажаринг. Даволаш муддати- 1 ҳафта.

Қулоқнинг ўрта қисми шамоллаганда (Отит): Унча катта бўлмаган лавлагини қирғичдан чиқариб, бир стакан сув ва бир ош қошиқ асал қўшинг. Бу аралашмани ўртача оловда 15 минут қайнатиб олинг. Сўнг яхшилаб сиқиб шарбати оқизилган лавлагини до-кага ёйиб қулоқингизга босинг. Устидан жун рўмол билан боғланг. Бу муолажани кунига

САБЗИ - САБЗАВОТЛАР МАЛИКАСИ!

А дармондориси сабзида бошқа сабза-воотлардагидан кўра кўпроқдир. У юракни соғломлаштиради, қонни тозалайди, буйрак ва жигар ишини меъёрлаштиради. Тери қатламини яхши сақлаб, юз терисини тиниклаштиради.

Бундан ташқари сабзи таркибида жуда кўп миқдордаги калий, темир, кальций, фосфор, В1, В2, В9, С, Д, Е, К, РР дармондорилари бор. Халқона таъабатда сабзи билан узок битмай-диган ошқозон яраларини даволашган. Цистит, буйрак касаллигида эса унинг шарбатини ичишган.

Таркибида калий кўп бўлгани учун са-би юрак-томир хасталикларини даво-лашда ҳам фойдаланилади. Юрак хуру-



Уйқусизликда: уйкуга ётишдан ол-дин сабзи поясини чакангизга босиб, рўмол билан боғлаб қўйинг.

Нефрит ва неврозда: қўшимча даво сифатида қуйидагиларни қилишингиз мумкин. Уч дона сабзини майда қирғич-дан чиқариб, уч қошигини оласиз. Устига 3 стакан қайноқ сув қўясиз. Бу аралашма тун бўйи турганидан кейин су-зиб, кунига 2/3 стакандан 3-5 маҳал овқатланишдан олдин ичасиз.

Буйрак тошини туширишда: Қўшимча даво сифатида бир ош қошиқ сабзи уруғи устига бир стакан қайна-тилган сув қўйиб, ўраб қўясиз. У 12 соат туриши керак. Бу аралашмани кун бўйи ичасиз. Даволаш муддати 10-14 кун. Зарурат туғилса муолажани яна қайтариш мумкин.

Оёқдаги тож (вена) томирлари кенгайганда: Уйкудан олдин зарар-ланган жойларга эзилган сабзи пояси-ни боғланг.

Циститда: Янги узилган ва майда-лаб кесилган сабзи пояси устига 0,5 литр қайноқ сув қўйинг. 40-60 минут турганидан кейин сузиб овқатланишдан ярим соат олдин кунига 3-4 маҳалдан ичинг. Ёки: бир стакан сабзи шарбати-га бир ош қошиқ асал аралаштириб 1/2 стакандан ичинг.

Простатитда: Ҳар куни эрталаб ва кечкурун қориннинг пастига 30-40 ми-нут давомида эзилган сабзи поялари-дан боғлаб қўйинг.

Бавосилда: Бир стакан миқдориди-га майдалаб кесилган сабзи поялари устига 1,5-2 литр қайноқ сув қўйинг. 20-30 минут давллаб қўйганингиздан кей-ин бу давлламани кун бўйи ичиб юринг.


Ошқозон яраси, ошқозонда кис-лоталилик ошиб кетганда: Ҳар куни эрталаб оч қоринга 1/2 стакан янги сиқиб олинган сабзи шарбатидан ичинг. Бу муолажани бир йилда 2-3 марта такрорласангиз бўлади.

Қабзиятда: сабзи уруғини туйиб, устига 1/2 стакан илик сув қўйинг. Овқ-атланишдан бир соат олдин уч-тўрт ма-ҳал истеъмол қилинг. Даволаш мудда-ти 1-2 кун.

Терининг унча катта бўлмаган қуёшдан қуийишида: Сабзини май-да қирғичдан чиқариб, бир дона кўпир-тирилган туҳум оқи қўшиб яхшилаб аралаштиринг. Аралашмани кўйган терига суриб устидан боғланг. Бу боғламани кунига бир икки марта 20 минут қўйи-шингиз мумкин! Даволаш муддати ту-залгунча.

Диққат! Сабзининг янги си-қиб олинган шарбати ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра-си, энтерит, қандли диабет-нинг ўткир кўриниши билан оғриган беморларга тавсия этилмайди. Қирғичдан чиқарилган сабзини ўсимлик мойи ёки қаймоқ билан аралашти-риб истеъмол қилиш мумкин.

БАСИРА тайёрлади.



Сабзавотлар орасида сабзи билан қизил лавлагининг алоҳида ўрни бўлиб, бу сабзавотлар инсон танасини тетиклаштиради, қувватини сақлайди, вази ортиб кетишига йўл қўймаган ҳолда тўқ тутиб, гўзаллик ҳам бахш этади.

бир-икки марта, 20 минутдан қайта-ринг. Даволаш муддати соғайгунча.

Кучли йўталда: Бир дона каттароқ лавлагини арчиб, ўртасидан ковак очинг-да, шакар билан тўлдириб, духовкага қўйинг. Ажралиб чиққан қуюқ шарбатни кун давомида оз-оздан ичиб юринг.

Кўкрак безлари шишиб-қаттик-лашганда: Қўшимча даво сифатида уч ош қошиқ майда қирғичдан чиқарилган лавлаги устига бир ош қошиқ асал қўшинг. Аралашмани карам баргига су-риб, кўкрагингизга босинг. Бу муолажа-ни тунда бажарсангиз фойда беради. Бир ҳафта муолажа қилиб- бир ҳафта танаф-фус қилишингиз керак.

Буйрак тошини йўқотишда: 3 дона йирик лавлагини кесиб, 2 стакан сув солинган идишда аралашманин ярми қолгунча қайнатинг. Сузиб олиб, 1/4 ста-кандан уч маҳал, овқатгача ичинг. Муо-лажани бир йилда уч-тўрт марта уч ҳаф-тадан давом эттиринг.

Қон босими ошганда: Бир кило-грамм лавлагини бўлакларга бўлинг, уч литрли банкага солиб, устига 2 литр сув қўйинг-да, қоронғи жойда 4-5 кун сақ-ланг. Кунига уч-тўрт маҳал 1/2 стакандан ичинг. Даволаш муддати 7-10 кун.

Узоқ вақт битмайдиган яра ва то-вон ёрилганда: Янги лавлагини май-да қирғичдан чиқариб, икки букланган докага суринг-да, ярага босиб, устидан дока билан яхшилаб боғланг. Ушбу боғ-ламани бир кунда икки маҳал, 40-60 ми-нутдан такрорланг. Бутунлай соғайиб кет-гунча муолажани қайтаринг.

Тери касалликлари ва тошма-ларда: Лавлагининг янги узилган барг-лари устига қайноқ сув қўйиб, сўнг зар-рланган тери устига боғланг. Тери бутунлай тузалгунча муолажани давом эттиринг.

Диққат! Янги сиқиб олинган лав-лаги шарбати халқумни қуйдириб юбориши мумкин. Шунинг учун сиқиб олинган шарбатни 2-3 соат-дан кейин ичиш мумкин. Шунинг-дек, ҳар гал фақат бир дона унча катта бўлмаган лавлагидан ейиш мумкин.

САБЗИ - САБЗАВОТЛАР МАЛИКАСИ!

маъданли моддалар ёш болалар танасини мустаҳкамлаб, ўсиши учун ёрдам беради. Кўз нури хиралашганда ва кам-қонликда сабзидан кўпроқ ейиш керак. Сабзи шарбати буйрак ва ўт қопида-ги тошларни туширади. Сабзининг по-яси, илдиридан тортиб уруғигача фой-далидир.

Аллергияда: 3-4 дона сабзи, 2 дона олма, бир боғ петрушка, 2 бўлак гулка-рамдан тайёрланган шарбатни кунига 1/2 стакан, овқатланишдан ярим соат ол-дин ичинг. Даволаш муддати 10-14 кун.

Дармонсизликда: 3 ош қошиқдан қуртилган сабзи, наъматак меваси, бир неча дона қичитки ўт (крапива) ва қора смородина баргларини яхшилаб аралаштиринг. Шу аралашмадан икки ош қошигини олиб устига бир стакан қай-ноқ сув қўйиб, 30 минут давллаб қўйинг. Бу дармондорили чойдан кунига уч-тўрт маҳал, овқатдан олдин бир стакандан ичилади.

Зикнафасда (Бронхиал астма): Нафас қисийи хуружини тўхтатиш учун 1/2 стакан янги сиқиб олинган сабзи шарбати ва сутни аралаштириб эрталаб, оч қоринга ичинг.

Камқонлик ва кўз нурини тиклашда: Эрталаб ва кечкурун 1/2 стакандан са-би шарбати ичинг. Даволаш муддати бир ҳафта.

Хусибузар тошганда ва терини тозалашда: 0,5 килограмм сабзини қирғичдан чиқариб, 1/4 стакан қайнатил-ган илик сув билан аралаштириб, устига қопқоқ ёпиб, икки соат музлаткичга қўйинг.

Сўнг бир ош қошиқ лимон шарбати ва таъбага қараб асал аралаштиринг. Бу аралашмани 1-2 ҳафта давомида ичишин-гиз мумкин.

Шамоллаганда: Бир стакан сабзи шарбати-га бир чой қошиқ асал ва бир ош қошиқ ўсимлик ёғидан аралаштириб кунига 1/2 стакандан, уч-тўрт маҳалдан ичинг. Бутунлай тузалиб кетгунча ушбу муолажани давом эттиринг.

Йўталда: 1/2 стакан янги сиқиб олин-ган сабзи шарбати-га бир ош қошиқ асал аралаштириб, кунига бир ош қошиқдан уч-тўрт маҳал ичинг. Ёки: 0,5 литр са-би шарбати-га 1/4 стакан шакарни со-либ, паст оловда аралаштириб турган ҳолда 15 минут қайнатинг. Бу қуюқ са-би шарбатини кунига 3-4 ош қошиқдан енг. Уни музлаткичда уч кун сақлаш мум-кин. Муолажани бутунлай тузалиб кет-гунча давом эттиринг.


Томоқ оғригида (ангина): 3 ош қошиқ сабзининг қуюқ шарбатини (ай-нан юқорида айтилганидек тайёрлаб), 1/2 стакан қайнатилган илик сув билан қўшиб, томогингизни кунига уч-тўрт ма-ҳалдан чайинг. Муолажани тузалгунча давом эттирасиз.



ХАТОЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!



Кўпчилик аёллар бежирим идиш хилини янгидан олиб фойдаланаверадилар. Баъзилар йиллар давомида ўзлари билган бир хил кремдан фойдаланадилар. Ваҳоланки ҳар икки ҳолатда ҳам хатоликка йўл қўядилар. Хўш ушбу хатолар нимадан иборат ва бунга йўл қўймаслик, учун нима қилиш керак? Аввало ҳар бир аёл косметик воситалардан қачон ва қандай қилиб фойдаланишни билиб олиши зарур.



ХАТО №1 ХАР ҚАНДАЙ КОСМЕТИК ВОСИТА ТАЪСИРИ БИР ОЙ ЎТГАЧГИНА СЕЗИЛАДИ...

Тажрибалар шуни кўрсатадики, мунтазам фойдаланиладиган ҳар қандай косметик воситага тери ўрганиб қолади. Шундан сўнг уни бошқасига алмаштириш керак бўлади.

ХАТО №2 КРЕМЛАР САҚЛАНДИГАН ЭНГ ЯХШИ ИДИШ-БУ БЕЖИРИМ БАНКАЧАЛАРДИР, ПЛАСТИК СИҚМА ИДИШДАГИ КРЕМ ТЕЗ БУЗИЛАДИ...

Аслида пластик сиқма идишлардаги кремлар, банкачадагидан кўра узокроқ сақланар экан. Банкачадаги кремни бармоқларимизнинг учи билан олиб фойдаланарканмиз, бу билан унда зарарли микроблар кўпайишига сабабчи бўламиз.

ХАТО №3 СКРАБ (ТОЗАЛОВЧИ КРЕМ)-ЛАРДАН ҚАНЧА КЎП ФОЙДАЛАНИЛСА, ЮЗ ТЕРИСИ ШУНЧА ЯХШИ ТОЗАЛОНАДИ...

Тери соғлом кўриниши учун унинг ортиқча, ўлик қатламни йўқотиш керак. Бунинг учун нафақат скраб кремлар, балки тозаловчи ниқоблардан ҳам фойдаланиш, юзни буглаб туриш лозим. Скраблардан бир ҳафтада фақат икки марта фойдаланилса етарли. Акс ҳолда терининг ҳимоя қатламидаги ёғнинг нормаллашуви ва намланишини тиклашга вақти қолмайди. Ёдингизда бўлсин, скраб кремни фақат соғлом, турли аллергия тошмалардан ҳоли юзга суриш тавсия қилинади. Уларнинг таркибидаги тозаловчи қаттиқ кристаллар юзни жараҳатлаши оқибатида ярага айланб кетиши ҳам мумкин. Туз ва меваларнинг майдаланган данакларидан тайёрланган скраб кремлар тирсак, тизза ва товонларни тозалашда ишлатилгани маъқул.

ХАТО №4 КРЕМДА ТУРЛИ ҚЎШИМЧАЛАР ҚАНЧА КЎП БЎЛСА, У ШУНЧАЛИК ФОЙДАЛИ...

Ҳар қандай кремнинг таъсири унга қўшилган биологик воситалар-

га боғлиқлигини билиб олиш зарар қилмайди. Шуни унутмаслик керакки, крем таркибида қўшилган қанча кўп бўлса, микроблар шунча тез кўпайиб, у тезда яроқсиз ҳола келади.

ХАТО №5 ХАР ҚАНДАЙ КРЕМ ЮЗГА ҚАЛИН ҚИЛИБ СУРТИЛИБ, КЕЙИН САЛФЕТКА БИЛАН АРТИЛАДИ...

Терининг ҳолати қандайлигидан қатъий назар, озикланиши ва намланиши учун қанча микдорда крем зарур бўлса шунчасини сўриб олади. Бир марта суртилгандан сўнг тери ялтирамаса, яна суртиш шарт эмас. Шунингдек, ҳеч қачон юзга суртилган кремни салфетка билан тозаламанг!

ХАТО №6 АЖИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТЕРИ НАМЛИГИНИ ЕТАРЛИЧА ТАЪМИНЛАШ КИФОЯ...

Намлантирувчи воситалар юз терисини озиклантириб ажинларни вақтинча текислайди, ҳолос.

Иситиш воситалари, совутгичлар, ҳароратнинг ўзгариши, совуқ хонадан иссиқ хонага кириш терини қурийтиб барвақт қаришига олиб келади. Терининг ўлик тўқималари ўрнини тўлдириш учун уни тез-тез табиий намлантириш ва тўғри озиклантириб туриш керак.

Ҳафтада бир марта озиклантирувчи ниқоблар қўйиш (айниқса тери ёғли бўлса) ва кунига камида икки литр сув ичиш тери рангини кўркамлаштириб, таранг қилади. Ажинларни йўқотиш учун махсус косметик воситалар ишлатилади. Косметик воситаларнинг таркибида антиоксидант, биологик фаол ва қуёш нуридан сақлайдиган моддалар кўп бўлса, терининг қариш жараёни секинлашади.

ХАТО №7 ТУНГИ КРЕМ БИЗ УЙКУГА ЁТГАНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН УНИ УЙКУГА ЁТИШДАН ОЛДИН СУРГАН МАЪҚУЛ...

Кўп аёлларнинг мана шундай нотўғри ўйлашлари ачинарли. Бунинг оқибатида эрталаб юз шишиб, кўз остида халталар пайдо бўлади. Тунги Крем уйкуга ётишдан камида 1,5-2 соат олдин сурилади. Лекин кўз атрофига суришда эҳтиёт бўлиш керак. Дағал ҳаракатлар билан кўзининг шиллик қаватини жараҳатлаб, конъюнктивит касаллиги орттириб олиш ҳеч гап эмас.

ХАТО №8 КЎЗ ОСТИДАГИ ХАЛТАЛАРНИ ХАЛҚОНА, ТАБИЙ УСУЛЛАР БИЛАН ЙЎҚОТИШ МУМКИН...

Баъзан кўз остидаги халталар терининг қаришидан эмас балки турли касалликлар сабабли пайдо бўлади. Масалан, улар буйрак, жигар оғриғи ёки уйқусизлик оқибати бўлса, чой ва бодринг билан бунни тезда бартараф этса бўлади. Бироқ бунинг самараси кўпи билан беш-олти соатгина сақланади.

Юздаги ушбу муаммоли, нозик ва оғрикли жойни махсус тайёрланган косметик воситалар билан парваришlash лозим.

ХАТО №9 ШОКОЛАД, ОҚ БУЛКАЛАР ВА ГАЗЛАНГАН ИЧИМЛИКЛАР ТОШМАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ...

Хуснбўзар ёки тошмаларнинг пайдо бўлишига асосан кучли зўриқишлар, ички аъзолар фаолияти ва моддалар алмашинувининг бузилиши сабаб бўлади. Агар сиз ширин булка, шоколад еб, бир-икки стакан газланган ичимлик ичсангиз терингизда муаммо юз бермайди. Аммо қандолат маҳсулотларини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш терига салбий таъсир қилади.

ХАТО №10 ХУСНБЎЗАР ТОШИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ЮЗ ХАР КУНИ СПИРТЛИ ЛОСЬОН БИЛАН АРТИЛАДИ...

Афсуски, спирт хатто энг ёғли терини ҳам қурийтиб, тириштириб қўяди. Бундай қилинган тери тўқималаридаги ҳаво оладиган тешиқлар бутунлай ёпилиб, йиринг йиғилади. Шуни унутмангки, юзни тозалайдиган ҳар қандай воситанинг (юз териси ёғли бўлса ҳам) спирт қўшилмаганидан ишлатиш шарт.

ХАТО №11 КУЁШДА ТОБЛАНИШ ФЙДАЛИ, БУ ТЕРИНИ ЁШАРТИРИБ, ЭНГ МАЙДА АЖИНЛАРНИ ХАМ ТЕКИСЛАЙДИ...

Тўғри, қуёшда қорайишнинг фойдаси катта. Лекин ультрабинафша нурларни суистеъмол қилиш ҳам терини қурийтиб юборади. Тобланишдан сўнг юз терисидоги тошмалар аввалига камаяди, аммо кейинчалик ниҳоятда кўпайиб кетади. Шунинг учун тобланишни ёқтирганлар соябонли шляпа кийиб олишлари лозим. Шунингдек, терига қуёшдан ҳимоялайдиган крем ҳам суриб олиш керак.

ХАТО №12 ХАР КУНИ ЮЗГА КРЕМ-УПАДАН ФЙДАЛАНИБ БЎЛМАЙДИ. УЛАР ТЕРИНИНГ ХАВО ОЛАДИГАН ТЕШИҚЛАРИНИ БЕРКИТИБ ҚЎЯДИ...

Ўсмир қизлар крем-упадан фойдаланиши шарт эмас. Аёллар эса крем-упадан ҳар кун фойдаланиши мумкин. Таркибидо УФ-филтри бўлган крем-упалар терини парваришлаб, чанг тушишидан асрайди. Мухими ҳар бир аёл ўз терисига мосини танлай билиши керак.

ХАТО №13 КУРУҚ ТЕРИ ЯЛТИРАМАЙДИ. ТОШМАЛАР ТОШМАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ТОЗАЛАШ ШАРТ ЭМАС...

Куруқ, нормал, ёғли бўлишидан қатъий назар юз терисини мунтазам тозалаб, парваришлаб туриш лозим. Тери парваришlashнинг ҳам ўз қоидалари, тозалаш ва даволаш усуллари бўлади. Куруқ терини 1,5-2 ойда бир марта, ёғли терини эса уч-тўрт марта тозалаб туриш лозим.

ХАТО №14 СОЧЛАР УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН МАХСУС МАЛҲАМЛАР ТОЛАЛАР УЧИДАГИ КАСАЛЛИКНИ (ГУЛЛАШНИ) ДАВОЛАЙДИ. ЛЕКИН БУЛАРДАН ТЕЗ-ТЕЗ ФОЙДАЛНИШ ЗАРАРЛИ...

Малҳам сочнинг илдизини эмас, балки толалардаги дағалликни йўқотади, ҳолос. Толалар гуллашини даволашнинг энг яхши усули вақти-вақти билан кесиб туришдир.

Кўринмас микроблар чанг ва теридоги ёғ билан қўшилишиб бош терисининг модда алмашинувини бузади. Сочлар ифлосланишига қараб зарур бўлса ҳар кун ювилади.

ХАТО №15 ТЕРИ ЁҒЛИК БЎЛСА, ИССИҚ СУВДА СОВУН БИЛАН ЮВИНИШ КЕРАК...

Иссиқ сув билан ювилганда бош териси ёғни янада тезлик билан ишлаб чиқара бошлайди. Яхшиси, илиқ сувда терига мос келадиган совун ёки шампунь билан ювинган маъқул. Ишқорли совун юз терисини қурийтиб, ҳимоя қаватини ювиб юборади. Натияжада терига микроблар осонгина кириб олиб, касалликларга сабаб бўлади.

Имкон бўлса совун олишдан олдин дерматолог шифокор ва косметолог билан маслаҳатлашиб терингизнинг турини аниқлаб олинг. Кўриниши чиройли воситаларни сотиб олишга шошилманг.

СОЧ ПАРВАРИШЛАШДА 10 ТА ОЛТИН ҚОИДА!

Узун ёки қалталигидан қатъий назар сочларни парваришlashнинг ўзига хос қоидалари мавжуд. Уларга амал қилинсагина сочлар кўркамлигини йўқотмайди.

1-қоида. Қалта ва ўртача узунликдаги (елкага тушадиган) сочларни (елкагача тушадиган) илдизидан бошлаб, узунларини эса учидан бошлаб аста-секин илдизига қараб тараш зарур.

2-қоида. Ювишдан олдин сочлар яхшилаб таралса, турмақлашда ишлатилган воситаларнинг (лак, гел, мусс) қолдиқлари ва қазғоқлар тўкилиб тушади.

3-қоида. Сочларни ювиш-

да нафақат шампунь, балки махсус малҳамлардан (бальзам) ҳам фойдаланилса, толаларини мулозимлаштиради. Мухими, уларни сочингиз турига мосини танлашингиз керак.

4-қоида. Соч учун мўлжалланган малҳамларни илдизига сурманг. Чунки, бундай қилсангиз сочингиз тезда ёғланиб қолади.

5-қоида. Сочингизни қайнатилган юмшоқ сувда ювинг. Агар бунинг имкони бўлмаса,

оддий кран сувига озрок ичимлик содаси қўшиб юборсангиз кифоя.

6-қоида. Сочларни ҳаддан ташқари иссиқ сувда ювиш тавсия этилмайди. Сувнинг ҳарорати 38-40 ° бўлгани маъқул. Ушбу ҳароратдаги сув терининг ёғ қаватини эритиб, сочингиз кирини бутунлай ювиб туширади ва қон айланишини яхшилайдди. Сочингиз қанча ёғли бўлса, сувнинг ҳарорати шунча совуқроқ бўлгани яхши.



7-қоида. Сочларингизни камида икки марта совунлаб ювишга одатлангиз. Бунда унинг кири, чанг ва ёғлари ювилади. Сўнг шампунь билан ювилса сочнинг илдизини даволайди.

8-қоида. Сочингизни фен билан қуритманг. Қайноқ ҳаво сочни мўрт, тез синувчан қилиб қўяди. Зарурат туғилса уни сочдан 20-30 см. узокликда тутиб ишлатинг.

9-қоида. Ҳар кун турмақлаш учун турли воситалардан (гель, мусс, лак) фойдаланадиган аёллар сочларини кунига ювишлари шарт. Бу воситалар сочларни оғирлаштириб, касалликларга чалинишига сабаб бўлади.

10-қоида. Куруқ ва бўялган сочларни ювишдан олдин, усимлик ёғи суртиб, 10 дақиқа бор узунлиги бўйича уқаланг. **ДИЛБАР ВА ҲАМИДА** тайёрлашди.

Кўзларнинг ранги одамнинг ички дунёсидан дарак беради. Яъни инсоннинг кўзларида унинг бор меҳри-ю, сеҳри акс этиб туради.

МЕҲР КЎЗДА, СЕҲР СЎЗДА

МОВИЙ КЎЗЛАРДА СИНОАТ КЎП ҳар қандай шартни қабул қилишга мажбур бўладилар. Дунёнинг энг гўзал ва машҳур аёлларининг кўзи мовий ранг бўлган.



Мовий кўзлар ички дунёсидан сир-синоат кўпдир. Сеҳр ва назокатнинг энг ўткир ва мафтункор нуқтаси уларнинг кўзларидадир. Бир боқишнинг ўзидаёқ ошиқларни очик сеҳрлаб кўйишлари мумкин. Очик кўнглилик билан айёрликни шунақаям ўрнига қўядиларки, ошиқлари уларнинг атрофида гирди-каपालа бўлиб, эҳтирос исканжасида

Бундай кўз соҳиблари борлиқни ўзига бўйсундиришни хуш кўрадилар ва кўп ҳолатларда чалакам-чатти ишлари ҳам ўнгидан келиб, гўзал ҳаёт бўстониға қадам қўя оладилар. Аммо муҳаббат бобида садоқатлари турғун эмас. Ошиқлар кўзига тутқиқ бермайдиган ноёб қушға ўхшаб кўринсалар-да, кўп ишларни шўх-шодонлик билан тавақкалиға ҳал қила оладилар. Ювош-мўмин кўринадилар аммо ўт билан ўйнашиб кўйишлари ҳеч гап эмас.

Рухият сирлари

Кўй кўзларнинг бутун гўзаллиги вужудининг таранглигидадир. Уларнинг вужуди қайноқ ва дилбар бўлур. Юраги эса кенг ва саҳийдир. Севган кишисига садоқат сақлай оладилар.

КЎЙ КЎЗЛАРИ РАШКЧИ БЎЛУР



Бундай кўзлар камдан-кам ҳолатларда муҳаббатға хиёнат қиладилар. Аммо ўтакетган рашкчидилар. Унинг қалбини ром этиш қийин эмас, муҳаббатига лойиқ бўлиш мушкулроқдир. Бевафоликни асло кечирмайдилар. Бироқ ўзига нисбатан меҳр-оқибатни сезиб турса, турмуш ўртоғига нисба-

тан жонини фидо қилишға ҳар доим шай бўладилар.

Кўй кўзлар гирромликни билмайдилар. Лекин ўзларининг чиройли ишларини чиройли қилиб кўрсата олмайдилар. Шундай бўлса-да, ўзларининг беғуборликлари билан кўпларни мафтун эта оладилар. Қалби ноҳақликни асло кўтара олмайд.

СУЙМАГАННИ СУЙДИРУР



Чарос кўзлар ишончли ва хушнақчақ бўлурлар. Ўтти назар ташлайдилар ва суймаган кишиларда ҳам эҳтирос уйғота оладилар. Дўстга ҳам, душманга ҳам бирдек меҳр билан қараб, уларнинг қалбидаги шубҳа-гумонни тарқата билурлар.

саларға чалғимайдилар, вафосиз ошиқларни осонгина фарқлаб, зийраклик кўрсата оладилар. Лекин феъл-атворлари ўзгарувчандир. Баъзан аризмас шубҳа тугилса ҳам ўз ақинларининг ҳаётини зилзила қилиб юборадилар.

Ўзлари зийрак бўлганлари ҳолда ёрни шошмашошарлик билан танлайдилар. Бошқаларни ўзига дўст қиладу-ю, ўзи душманлиғига қолаверади. Шу боисдан уларнинг муҳаббат йўлидаги қадамлари кўп ҳолларда омадсизликка учрайди. Шундай бўлса-да, ўз сирини бой бермай, бироз худбинлик билан сабрбардosh кўрсатиб яшайверади.

ВАФОДАН НИШОНА



Зумрад кўзлар ўта сезгирдирлар. Улар ҳаётлари давомида қувонч ва ташвишнинг, гам-аламнинг ўз бошларидан ўтказадилар. Лекин ўзларига бўлган ишончи асло сўймайди.

Кўнчаклик ҳам уларға хосдир. Ўз севган кишининг атрофида парвона бўлиб, садоқатларини тўла-тўқис намоён эта оладилар. Гўзал нарсаларға ихлоси баланддир. Агар севиб қолсалар, узок кутишға ҳам қодир. Хушомадларға алданмайдилар. Ўз саломатликларини сақлаш, чехрасини гўзаллаштириш йўлида кўп ўзланмасалар-да, табиий гўзаллик уларнинг хуснини очиб, назо-

катини гўзаллаштириб туради. Бироқ бир яхшиға бир ёмон, деганларидек улар кўп ҳолатларда қилдан қийиқ топадиганлар билан турмуш қурадилар. Саломатликлари ҳам тез-тез палда бериб туради. Лекин нима бўлганда ҳам ўз ёриға меҳр-саломатини сақлаб қоладилар ва уни бахтиёр қила оладилар.

К.НИШОНОВ тайёрлади.

МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

(Боши ўтган сонларда)

Ҳар сафаргидек, қисқагина учрашувдан кейин уйларимизға қайтадиган бўлдик. «Муяссар, қачон кўришамиз?» — сўрадим. «Билмадим. Бизларни университетдан пахта чопиғига олиб чиқишди», деб жавоб қилди у. Мен иложсиз қолдим. Шундай бўлса ҳам: «Қачон, қай вақтда, соат нечада? Кузатиб қўяман», — дедим. Гарчи бу сўзларимнинг кераги йўқлигини сезиб турган бўлсам ҳам. «Буни аниқ айта олмаман. Иннакейин, овора бўлиб нима қиласиз?» — жавоб қилди, у. Мен: «У ҳолда бугунги учрашувимиз охиригиси эканда?» — дедим, ҳар галгидек тамоғимға бир нарсa тикилиб... Бироздан сўнг, ортиқча бўлса ҳам: «Неча кунға экан?» — дея сўрадим. У: «Билмадим» — деди туманли қилиб. Мен: «Унда, уйға телефон қилиб тураман» — дедим. Жавоб бўлмади... Биз қуруқчина хайрлашдик...

Бу учрашувдан кейин Муяссардан буткул айрилганимни тушундим... У бошимға кўнган бахт куши экан. Қўлимға олай деганимда учиб кетди!... Бошдан унган кўш қўлга қайтиб келармиди?! Бутун ёз бўйи азоб-да қолдим... Ҳа, мен «у қиз»ни йўқотдим... Том маъноси билан йўқотдим...!

Ўқишни муваффақиятли тугатдим. Қизил диплом олиб, Тошкентга — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки филология факультетига имтиҳон топширдим. Ниҳоят, олий маълумотли бўлиб Муяссарға тенглашадиган вақтим келди!

Кундузи фельдшер бўлиб поликлиникада ишлайман, кечкурин пединститутга ўқишға югуриб қоламан...

Бир кун мен тушган автобус «Инкилоб хйёбони» (ҳозирги «Амир Темур хйёбони») бекатига келиб тўхтаган эди, пастандан: «Вуй, одам мунча кўп!» деган қизнинг овозини эшитдим. Эшитдим-у, дарҳол танидим. Азиз ўқувчим, мен киссанинг дастлабки саҳифаларида Муяссарнинг овозини ҳеч кимникиға ўхшатмайман, у ўзига хос, деган жойим бор эди. Шундай бўлган, унинг овозини танимай бўладими?!

Муяссар бир илож қилиб автобуста чиқиб олди ва мен томон сурилиб кела бошлади. Гўё орамызга совуқчилик тушмагандай. Мен уни сабрсизлик билан кутиб турдим. У етиб келди. Биз яна учрашдик! Ахир, учрашдик! Бахтиёр бир-биримизнинг пинжимизға суқилиб олдик! Биз

бахтиёр эдик! Бошимдан учиб кетган бахт куши қўлимғагина эмас, бағримға келиб кўнганди... Бағримға...

Биз бир-биримиздан ором олардик, лаззатланардик, гулгўл ёнардик. Бир-биримизни жуда-жуда соғинган эдик, бир-биримизға жуда-жуда ташна эдик... Афсус, автобус назаримда, бир қанот қоқди-ю, бизни манзилға келтириб қўйди... Биз яна ўша бир жуфт чинор томон йўл олдик. Уларни бири-бири билан неча-неча йиллардан буён қовуша олмаган чинорлар бу гал бизни қовуштириб қўйди...

Биз биринчи мартаба узок бирға бўлдик. Қош қорайиб қолди. Қўллар бир-бириға тўймас эди. Бир бор ўпишиб ҳам қўйдик. Упишганда ҳам «у кин» дагидек, катталарға тақлид қилиб эмас, балки бўса лаззатини тотиб ўпишдик! Бироқ на у, на мен, на ўтган воқеалардан, на эртанги кунлардан сўз қотдик... Вақт ўтиб борарди. Биз эса ҳозир хайрлашув бўладими ёки яна айрилув бўладими — билмасдик...

Биз хайрлашар эканмиз, эртаси кун учрашишға келишиб олдик.

Эртасига, келишилган жойға барвақт келиб олдим. Сабрсизлик билан кутдим... хавотирда кутдим... ташвишланиб кутдим... Нима бўлган бўлса бўлган, аммо у келмади...

«У келмади» Шу фикр неча-неча кун, ой, йилларғача миямдан кетмай, мен азоблаб юрди. Шу бўлди-ю, бутунлай қўришмай қўйдик. Университетға боришнинг мумкин-эди, аммо бир кун: «Университетингизға бораман», деганимда, у: «Йўқ, бўлмайди, кейин ҳамма гапириб юради», дея эътироз билдиргани шахтими қайтариб қўйди. Мен уйига кўнгирак ҳам қилмадим. Шаънини ўйлай-ўйлай «қани, уни ўз ҳолиға қўяй-чи...» деган қарорға келдим. Бу менинг яна бир сусткашлигим эди...

Ажабо, бағримға келиб кўнган бахт қушини қайта бор учиб кетса, нима қилиш керак? — Билмадим... Мен унга ширин сув бера олмадим, шекилли...

Бизни бу қўйға солиб қўйган сабаблар, бир жиҳатдан, соғинган



оташ муҳаббат туйғулари бўлса, бошқа жиҳатдан, унга зид турган оилавий муносабатлар эди.

Ёз ойлари эди. Автобусда собиқ Тахтапул — «Собир Раҳимов» мавзеси томон келар эдим. Ёнимдан бир қиз лип этиб ўтди. Қўлагининг этағи эса елкамға сурқалиб кетди. Вужудим таниш бир нарсани сезгандай бўлди. Ё, ажабо, бундай туйғуни фақат Муяссар ёнимда турганида сезар эдим-ку, деган хаёл кўнглимдан ўтди. Неҳун, бу қизнинг қўлағи Муяссар қўлағини аслатди экан, деб ўйладим-у, шу дам «Бу — Муяссар бўлса-чи?» деган фикр миямда ялт этди. У қизни одамлар орасидан қидира бошладим. Буни қараган-ки, сезгиларим янглишмаган экан. Салоннинг олд томонида Муяссар турарди! Демак, у автобуснинг орқа эшигидан чиққан ва ёнимдан ўта туриб, мени қўриб қолган-у, ўзини одамлар панасига олган. Мен унга қараганимда у фақат ўзини эмас, балки кўзларини ҳам олиб қочарди...

Мен ҳам уни кўрмагандай жим ўтиравердим. Бизни қовуштириб турган муҳаббат олови ўчиб, совиб қолган бўлса, наҳор!... Шундаймикан?! ...

Муяссар ҳозирги топда байрамға яساني чиққандай, ўзига бағоят оро берган. Бели қисик ним кўкимтир қўйлақда. Этаклари ёнға ёзилиб турарди. Соқлари иккита қилиб орқасига ташланган. Бир вақтлар ундан соқларини иккита қилиб шундай ташлаб юришини сўраган эдим. Ушанда эртаси кун учрашувға чиққанимизда у соқларини айтганимдай қилиб келган эди. Шунда соқлари хил қалтарок бўлганлигидан бироз уялиб яланг учларини ўйнаганди. Мана бугун ҳам у соқларини иккита қилиб ўриб олган. Улар истагимни бажо келтирган кундагидан кўра анча ўсиб қолибди. Бироқ бу соқларни бугунда сивловчиси ким бўлди экан!!!

(Давоми бор)
Азимжон ҚОСИМОВ

Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамаз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларға қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишға топшириш вақти - 20.00. Босишға топширилди - 20.00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатта олинган.
Буюртма Г - 1332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10898
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

2 3 4 5 6